VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

24 (33) 2009 йил 10 июнь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz
e-mail: milliyt@sarkor.uz



Ислоҳотлар изчиллиги

Мамлакатимиз мустақилликка эришганининг илк йилларидан бошлаб қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аҳоли қатламларининг яшаш шароити ва фаровонлигини яхшилашга катта эътибор берилмоқда.

➔ 4-бет

Ёғоч ўймакорлиги

Ёғочга нақш ўйиб ишланган меҳнат маҳсулларини илк бора болалигимда кўргандим. Тор қилиб қурилган бувимнинг уйларига ўрнатилган эшик нақшлар билан ўйиб ишланган эди.

➔ 5-бет



Орзулар ушаладиган даргоҳ

Пахтачи педагогика коллежида "Бошланғич таълим", "Жисмоний тарбия ва болалар спорти", "Мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар", "Ахборот-кутубхона тизими", "Спорт" йўналишларида 938 нафар бўлажак ўқувчиларга В.Мардонов, С.Нортожиева, Ш.Юсупова, Г.Ҳайдарова, С.Ҳидоятова сингари 65 нафар жонкуяр мураббийлар таълим беришаяпти.

➔ 6-бет

МТ БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ 2-бет
- Маҳаллага фаоллик бағишлаётган аёл
- Бола ҳуқуқи
- Ишонч — масъулиятни оширади

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА 3-бет
- Биз бир Ватан фарзандларимиз
- Оила — келажагимиз пойдевори

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 4-бет
- Архивлар ҳаёт кўзгуси
- Ёшлар тарбиясида

МАЪНАВИЯТ 5-бет
- Келажагимиз ворислари

ЖАРАЁН 6-бет
- Саксовулсиз қолган — Каттақум
- Қарз шартномаси тартиби
- Юрт ободлиги

ХАЛҚАРО ҲАЁТ 7-бет
- Табиат инжиқликлари
- Дунёдан дараклар

НИГОҲ 8-бет
- Саккизинчи мўъжиза — Ватан
- Турфа олам

ЎзМТДП АЁЛЛАР ҚАНОТИ

Аёлларимизнинг сиёсий фаоллиги кучаймоқда

Аёлга эътибор – келажакка пойдевор

Аввал хабар берганимиздек, жойлардаги партия ҳудудий ташкилотлари томонидан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси МК Ижроия қўмитаси девони Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими ташаббуси билан "Донолик ва ташаббускорлик-сиёсий етакчилик мезони" мавзусида республика кўрик-танлови ўтказилмоқда. Шу кунларда танловнинг вилоят босқичи ўз ниҳоясига етди. Ушбу тадбирлар ўзига хос байрам тусини олди десак муболаға бўлмайди.

бўлиб хизмат қилади

— Очиғини айтиш керакки, дастлаб танловни ўтказиш ташаббуси илгари сурилган ва Низоми ишлаб чиқила бошлаган бир пайтда, тадбир аёллармизни шу қадар ўзига жалб этади деб ўйламаган эдик, - дейди ташкилотчилардан бири, ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси девони Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими бошлиғи Ойниса Муҳаммадиева.

(Давоми 3-бетда)

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Муҳим ва масъулиятли ишларда

ЎзМТДП электоратини сафарбар қилиш асосий вазифа

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида Инқирозга қарши чоралар Дастурини ўрганишга қаратилган ўқув-семинари ўтказилди. Семинарда партиянинг шаҳар ва туман кенгашлари аъзолари, ФЖЎИ ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Сарвар ХУРРАМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Тадбир Президент Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби юзасидан партия туман кенгашлари Ижроия қўмиталари раисларининг билимларини назарий ва амалий мустаҳкамлаш, шу билан бирга уларга жамоатчилик билан алоқа ўрнатиш асослари ҳақида маълумот бериш мақсадида ташкил этилди.

Семинарни бошқарган ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Рустам Қосимов тадбирни очар экан, мазкур асарда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини камайтириш йўллари чуқур ва атрофлича таҳлил қилинганини таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг ФЖЎИ Тошкент шаҳар минтақавий ахборот-таҳлил маркази вакили Рустам Саидов асар юзасидан кенг жамоатчилик орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, унинг мазмун-моҳиятини аҳолига содда, халқчил тарзда етказиш учун нималарга аҳамият бериш зарур, деган масалани ўртага ташлади ва бу иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Семинарда сўзга чиққан ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев жумладан шундай деди: - Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби дунёнинг кўпгина давлатларида турли тилларда нашр қилинаётганлиги ва ушбу асар юзасидан хорижий давлат ва жамоат арбоблари, халқаро ташкилотлар ва йирик компаниялар, банклар вакиллари ҳамда иқтисодчи олимлар ва сиёсатшунос экспертлар ижобий фикр билдираётганлигини мамлакатимиз жамоатчилиги жаҳон оммавий ахборот воситалари орқали кузатиб бормоқда.

(Давоми 3-бетда)

НИГОҲ

Тарихи, бугуни ва келажаги буюк даргоҳ

Тарихда 1004-1017 йилларда Хоразмшоҳлар давлатининг маркази Гурганжда замонасининг йирик олимлари тўпланган ва тарихда Маъмун академияси деб ном олган илмий маскан фаолият кўрсатган. Унга Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун томонидан асос солинган. 1997 йил мамлакатимиз, хусусан Хоразм тарихида унутилмас йил бўлиб қолди. Орадан минг йил ўтиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан тарихий академия қайта тикланди.

Сайёра ҲАЙИТБОЙ қизи,
"Milliy tiklanish" мухбири

Хоразм Маъмун академияси истиқлол йилларида яна халқаро эътирофга сазовор бўлди

Мустақиллик бизга жуда кўп нарса берди, десак янглишмаган бўламиз. Миллий қадриятларимиз қайта тикланди ва биз ўзимизни танидик. Бугун биз-кеча ким эдик, бугун киммиз, эртага ким бўлмоқчимиз, деган саволларга аниқ жавоб бера оладиган, аждодларга муносиб ворис бўлиб вояга етмоқдамиз, деб бемалол айта олишимиз мумкин.

Ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол қилиб тарбиялашда тарихий асарларни ўқиб-ўрганиш жуда муҳимдир. Ана шу мақсад йўлида фаолиятини давом эттираётган Хоразм Маъмун академиясининг ҳам бу борада ўзига хос алоҳида ўрни бор. Зеро, олдинги мавқеини тиклаш ниятида шиддат билан олға интилаётган Маъмун академияси олимларининг тадқиқотлари бугун чиндан-да гапиришга арзигулик.

Тарихи. Узоқ ўтмишда Хоразм Маъмун академияси Хоразм давлатини бутун дунёга маълум ва машҳур қилишда катта роль ўйнаган. Хоразм Маъмун академиясининг тарихий номи "Байт ул ҳикмат ва маориф" бўлиб унга минг йиллар олдин Гурганж шаҳрида Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун томонидан асос солинган. "Байт ул ҳикмат ва маориф" ўз замонасининг ўзига хос академияси бўлиб, унда машҳур олимлар Абу Райҳон Беруний, ибн Сино, Абу Сахл Масиҳий, Абу Наср ибн ас-Саолабий, Ёқут ал-Ҳўжандий, ал-Ҳамавий, Абу Муҳаммад Хоразмий, ал-Суҳайлий ва бошқалар фаолият юритганлар.

(Давоми 5-бетда)

Диққат обуна!

«Milliy tiklanish» газетасига 2009 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обуна давом этмоқда.

Обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.

Индекс: 152

ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

БПТ ЕТАКЧИСИ

Маҳаллага фаоллик бағишлаётган аёл

Юртга таянч, элга мададкор, жамиятда фаол ўзбек аёллари беихтиёр қалбимизда ғурур ҳиссини уйғотади. Аслида ҳам шундай. Ўзбек аёлларининг бугунги дунёқараши, сиёсий онги, билимию амолидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Улар рўзғор юритиш, фарзанд тарбиялаш билан бир қаторда юртимиз фаровонлиги, жамиятнинг гуллаб-яшнаши учун ҳам сидқидилдан меҳнат қилаяптилар. Сиёсий жараёнларда фаоллик кўрсатяптилар.

Олимжон ҲАМЗАЕВ,
ЎзМТДП Жомбой туман кенгаши
Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари

Ойхумор опа Асадова ҳам ана шундай эл-юрт ташвишида юрган, маҳалланинг суянчиғига айланган, партиямиз сафидаги етакчи аёллардан. Унинг Жомбой туманидаги "Галакапа" маҳалла фуқаролар йиғинига раислик қилаётганига ҳам роппа-роса ўн йил тўлди. Шу билан бирга бир неча йилдирки, бошланғич партия ташкилотига ҳам раҳбарлик қилиб келаяпти. Уч ярим минг аҳоли яшайдиган маҳаллада Ойхумор опанинг ҳурмати баланд, сўзини икки қиладиган оиланинг ўзи йўқ. Айниқса ёшларнинг опага бўлган меҳри, ҳурмат-эътибори ўзгача. Чунки у ёшларнинг кўнглини топиб гапиради, ҳар доим фаолликка чорлайди. Турмуш ташвишларини енгишда, ҳаётда тўғри йўл танлашда уларга тўғри ва оқилона маслаҳатлар беради ва шу билан бирга қўлидан келганча амалий ёрдамини аямайди.

Опани гоҳ "Ўрмон" давлат хўжалигидан, гоҳ 24-умумтаълим мактабидан келаётганида учратаман.

- Нима гап опа? Бирорта ўсмир безорилик қилиб қўйдими?- сўрайман ундан.

- Ёшларга тарбия бериб, тўғри йўлга бошқариб турсангиз улар ўртасида безориликка ҳам, кўнгил хираликка ҳам ўрин қолмайди,- дейди опа тўлқинланиб. Шундан сўнг бафуржа ўтириб суҳбатни давом эттирдик.

- Маҳалламиз мактаб билан ҳам, хўжалик билан ҳам ҳамкорликни яхши йўлга қўйган. Ўтган "Ёшлар йили"да улар билан кўплаб тадбирларни ўтказдик. Мактаб билан ҳамкорликда "Битурувчилар" боғини яратганмиз. Бу ўқувчиларга олам-олам қувонч бағишлади. Улар бир йил давомида боғ парвариши билан шуғулланиб, сўнг издошларига қолдиришади. Бундан ташқари ҳар йили мактабда "Қишлоғингиз тарихини биласизми?", "Маҳалла ҳам отанг-ҳам онанг", "Қадриятларимиз — фахримиз" мавзуларида иншолар танловини ўтказаяпмиз. Бу эса ёшларнинг маҳаллага, она юртга бўлган меҳр-муҳаббатини ошираяпти.

Дарҳақиқат, маҳаллада йил дастурлари асосида кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Айниқса, ёшлар билан ишлаш комиссиясининг ишсиз ёшларга ва ночор ёш оилаларга кўпроқ эътибор қаратгани, яраштирув комиссиясининг эса тарғибот-ташвиқот ишлари ёш оилалар орасида жанжалли можаролар ва ажралишларни кескин камайтиргани таҳсинга лойиқдир. Бунда комиссия раиси, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган Турсун Абдурахмоновнинг хизматлари беқиёс бўлди.

- Бу йил "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилинди,- дейди раис. - Аслини олганда ҳар бир йил ўз номи билан маҳалламиз, халқимиз ҳаётига маъно ва мазмун бағишламоқда. Бу йил ҳам партия ва маҳалла ҳамкорлигида кўплаб тадбирларни, кенг қамровли ижтимоий вазифаларни амалга оширяпмиз. Маҳалламиз табиатан хушманзара, сер сув бўлган "Ўрмон" хўжалиги ҳудудида жойлашган. Бу ерларда аҳоли сабзавотчилик, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етиштириш ва қурилишбоп дарахтларни парваришлаш билан шуғулланади. Маҳалламизда ҳар бир оила туғилган фарзанди учун дарахт экишни анъанага айлантирган. Мақсадимиз қишлоқларимизни янада обод кўриш, халқимиз фаровонлигини оширишдан иборат.

Дарҳақиқат маҳалла фаолларининг ҳамжиҳатликда хайрли ишларни амалга ошириши ҳам кўпчилик эътирофига сазовор бўлаяпти. Улар ўтган йилда кам таъминланган бир неча оила фарзандларининг хатна тўйларини ўтказди, олти нафар болани болалар боғчасига жалб этди. Хўжалик билан ҳамкорликда кўп болали кам таъминланган оилаларга бир бошдан қорамол, байрам кунлари эса бемор ва ногиронларга доридармон, совға-саломлар топширилмоқда.

Бу савобли ишларни амалга оширишда Ойхумор опа Асадованинг ташаббускорлиги, ташкилотчилиги, муҳим ўрин тутаётган бўлса, МФЙнинг Асрор Халилов, Нарзилла Мамадиёров, Ҳазраткул Қўшақов сингари қишлоқ оқсоқоллари, Шоира Усмонова, Солиҳа Абдурахмонова каби фаол аёлларнинг кўмаги чексиз бўлаяпти.

Айни чоғда Ойхумор Асадова бошчилик қилаётган партиямизнинг бошланғич ташкилотига ўттиз нафарга яқин партия аъзолари жипслашиб, улар маҳаллада миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизнинг ривожига, кишиларда ҳуқуқий маданиятнинг шаклланишига, ва хотин-қизларнинг сиёсий билими ва фаоллигини кучайтиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бунинг самараси ўлароқ партия сафи кун сайин кенгаймоқда.

Дарвоқе, қаҳрамонимиз ижодкор аёл. Унинг "Мерос", "Бир томчи шудринг" каби ҳикоялар тўплами ўқувчилар қўлида. Ҳозирги вақтда "Менинг исмим қалдирғоч" номли қиссаси нашрга тайёрланмоқда.

МУЛОҚОТ

Ишонч — масъулиятни оширади

Маннон ОТАБОЙ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Вилоятда ЎзМТДП Бухоро шаҳар кенгаши йирик ташкилотлардан ҳисобланади. Айни кунда унинг таркибида 6 нафар халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутати, 36 та бошланғич партия ташкилоти, шунингдек икки мингдан зиёд аъзолари бор.

Биз қуйида ташкилот фаолияти билан кенгроқ танишиш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Бухоро шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Шароф Раҳимов билан суҳбатлашдик.

— Бугунги кунда ҳуқуқий демократик давлат қуришда, жамиятимизни ҳар томонлама тараққий топишида кўппартиявийлик тизими катта роль ўйнамоқда. Айтингчи, сиёсий партиянинг ҳозирги кундаги долзарб вазифаси нималардан иборат?

— Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг юртимизда кўппартиявийлик тизими қарор топди. Маълумки, ҳозирги кунда мамлакатимизда 4 та сиёсий партия фаолият юритмоқда. Албатта, ҳар бир сиёсий партиянинг ўз ғоя ва мақсадлари, унга эргашадиган электорати мавжуд. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Устав ва Дастуридан ҳам мамлакатимиз ривожи ва тараққиётига хизмат қиладиган ғоялар ўрин олган.

Бизнинг ҳозирги кундаги вазифамиз кенг аҳоли қатлами ичига кириб бориш, айниқса ёшларни ўз сафимизга кенгроқ жалб қилиш ҳамда амалий ишлар орқали партиямизнинг обрўэътибори ва мавқеини янада юксалтиришдан иборатдир. Қолаверса, юртимиздаги тинчликни асраш, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самарасини таъминлаш ҳам асосий вазифамиз сирасига киради. ЎзМТДП, энг аввало, мамлакатимиз миллий манфаатларини биринчи ўринга қўяди. Миллий манфаатларимиз ва боқий қадриятларимизни қадрласаккина халқаро майдонда нуфузимиз ортади ва ўзимизнинг муносиб ўрнимизга эга бўламиз. Биз партиямизнинг ана шундай эзгу мақсадларини халқимиз орасида тарғиб-ташвиқ этишга бор куч ва имкониятларимизни сарфлаяпмиз.

— Назаримда, ЎзМТДП шаҳар кенгаши бошқа ҳудудий ташкилотлардан ташаббускорлиги ва амалий ишлари билан ажралиб туради. Бундай натижанинг омили нимада?

— Ишонч ҳар бир партия аъзосига катта масъулият юклайди. Мамлакатимизда кечаётган сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислоҳотларнинг моҳиятини англаш, таҳлил қилиш ва ЎзМТДП Марказий Кенгаши ҳамда вилоят кенгаши топшириқларини ўз вақтида бажариш иш самарадорлигини таъминлай олади. Шунингдек, партия аъзоси ёки етакчисида ҳам оз бўлса-да ташаббус бўлиши керак. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси таъсисчи давлатларининг кенгайтирилган таркибдаги учрашувида сўзлаган нутқидан ҳаммамиз оммавий ахборот воситалари орқали хабардор бўлдик. Фаолларимиз шаҳардаги педагогика коллежида вилоят экологик ҳаракати, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоят марказий ўрмон хўжалиги, Республика ФЖЎИ Бухоро минтақавий ахборот-таҳлил маркази ҳамда вилоят соғликни сақлаш бошқармаси вакилларини жалб этган ҳолда юқоридаги маруза юзасидан катта тадбир ташкил этдик. Унда 200 дан ортиқ ўқитувчи ва талабалар иштирок этдилар. Партия фаоллари ва мутахассислар маърузада кўтарилган муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳамда истиқболдаги вазифалар ҳақида атрофлича тушунтириш бердилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, олий ва ўрта махсус таълим даргоҳлари, халқ таълими тизими, соғликни сақлаш ҳамда бошқа йирик- йирик ташкилотларда партиямиз фаоллари кўпчиликни ташкил этгани боис, ўтказаётган тадбирларимиз самарали ва салмоқли кўриниш олмоқда.

— ЎзМТДП шаҳар кенгаши йил дастури ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастури асосида қандай ишларни амалга ошираяпти?

— "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури нафақат қишлоқ тараққиёти, балки бутун халқимиз турмуш даражасини яхшилашга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Партиямиз фаоллари шаҳар маҳаллаларида ободончилик ишларини ташкил этиш билан бирга дастурнинг мамлакатимиз тараққиётидаги роли, аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлашдаги ўрни борасида ҳам тарғибот ишларини олиб боришаяпти. Бу борада ўндан ортиқ маънавий - маърифий тадбирлар ўтказилди.

Худди шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган вазифалар, ҳамда Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асарида илгари сурилган муҳим масалаларни халқимизга етказиш мақсадида бир қатор давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилди. Бундан ташқари ЎзМТДП шаҳар кенгаши ташаббуси билан "Ўзбекистон радиоканалида ҳам ушбу йўналишда туркум эшиттиришлар берилди.

— Бухоро тарихий обидалар, маданий ёдгорликларга бой шаҳар. Бу заминда халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланган миллий қадриятлари, урф-одат ва анъаналари мужассамлашган.

— Фикрингизни тушундим. Бухорои шариф Шарқнинг бебаҳо гавҳари ҳисобланади. Шаҳримиздаги кўҳна Арк, Минораи Калон, Ситора-и Мохи-хосса, Лаби ҳовуз ансамбли каби 1300 дан зиёд тарихий ёдгорликлар миллий ўзлигимизнинг намуналари, аждодларимизнинг бизга қолдирган бой маданий меросидир. Уни очиқ осмон остидаги музей дейиш мумкин. Эски шаҳарга ташриф буюрган киши ўзини тарихга қадам қўйгандек ҳис этиши шубҳасиз.

Ҳар бир тарихий обида халқимизнинг юксак ақлу заковати, кучли архитектура ва геометрик илм қоидаларига асосланиб қурилганлиги учун ҳам бугунги кунгача етиб келди. Уни келгуси авлодга қолдириш ва асраб-авайлаш ЎзМТДПнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Юрагида ғурури, Ватан туйғуси бўлган ҳар бир йигит-қиз юртимиз тарихини билиши ва аждодларимизга муносиб фарзанд бўлишга интилиши лозим. Бунга эришиш учун миллий қадриятлар, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлашдек эзгу мақсадларни ёшлар онгига сингдиришга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар қўламини кенгайтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Фикримиз исботи сифатида тез кунларда шаҳримиздаги болалар дам олиш оромгоҳларида "Тарихсиз келажак йўқ" мавзусида кўрик-танлов ўтказишни режалаштирганмиз.

ТАДБИР

Бола ҳуқуқи унинг ижросига масъулмиз

Маҳфират МАҲКАМОВА,
ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши
"Ёшлар қаноти" раҳбари

- «Гулистонга икки киши, опажон кетасизми, жой бор», дея шоҳбекатда йўловчи тўплаётган болакайнинг овози нафақат мени, балки барча йўловчиларни ўзига қаратарди. Кимдир бунга одатий ҳолдек қараётган бўлса, яна кимдир таажжубда... «Ҳа, ҳозирги болалар ҳамма нарсани эплайди-я», деб ўтиб кетаётганлар ҳам топилди.

Лекин, шу ўринда бир савол туғилади: — Айни мактаб ёшидаги бу болакай нега тирикчилик ташвишида юрибди?

Бунинг сабаби турлича бўлиши мумкин. Аниқ жавоб эса фақатгина болага ва унинг яқинларига аён. Балки, у қаровсиздир, балки у ҳимояга муҳтождир? У учун ким масъул?

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Янгиер шаҳар кенгаши "Ёшлар қаноти" ва шаҳар халқ таълими бўлимининг васийлик ва ҳомийлик кенгаши томонидан ўтказилган тадбир худди шундай яъни "Қаровсиз болага ким масъул?" деб номланди.

Янгиер шаҳар халқ таълими бўлими томонидан умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ўртасида жиноятчилик ва қонунбузарлик, диний экстремистик оқимлар, террористик ҳаракатлар, гиёҳвандлик, ОИТС ва ўз жонига қасд қилиш ҳолатларига қарши олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини янада кучайтириш мақсадида "Тарбиявий ишлар ойлиги" ўтказилди. Ойлик мобайнида шаҳар миқёсидаги барча мактаблар ва оромгоҳларда маънавий-маърифий ишлар юзасидан методик тавсия, тарбиявий дарс ишланмалари тайёрланиб, ўқувчилар ўртасида "Ҳаёт энг буюк неъмат" номли қатор кўрик-танловлар, семинарлар ва очиқ дарслар ташкил этилди. "Тарбиявий ишлар ойлиги" якуни эса Янгиер шаҳридаги 3-умумий ўрта таълим мактабида бўлиб ўтди.

Унда жойларда ойлик давомида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Шундан сўнг шаҳар халқ таълими бўлимининг васийлик ва ҳомийлик ишлари бўйича назоратчиси, ЎзМТДП Янгиер шаҳар кенгаши "Ёшлар қаноти" раҳбари Гулчирой Раҳмонова семинар-тренинг ташкил этди.

Партиянинг вилоят кенгаши фаоллари, вилоят ҳалқ таълими бўлими мутахассислари, шаҳар ва туманларнинг васийлик ва ҳомийлик ишлари бўйича назоратчилари, прокуратура, ички ишлар бўлими ходимлари, шаҳар вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, хотин қизлар қўмитаси ва "Камолот" ЁИҲнинг вакилларидан ташкил топган иштирокчилар "Қаровсиз бола ўзи ким?", "Қаровсиз болага ким масъул?" каби саволларга берилган жавобларни муҳокама қилишди.

Иштирокчилар "Ташаббускор", "Фаол", "Изланувчан", "Ижодкор" номли гуруҳларга бўлиниб ноанъанавий усулларда ўз лойиҳаларини тақдим этишди. "Тугун" ўйини орқали муаммо ичида қолган вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўллари, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг уларнинг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоялашдаги роли, қаровсиз бола деб аниқлангандаги уларнинг берадиган ёрдамлари хусусида батафсил маълумот берилди.

Шунингдек ҳар бир гуруҳ иштирокчилари ўзларининг нотиқлик санъатларини ҳам намойиш этдилар.

- Мана шундай тадбирларнинг ўтказилиши ёшларимизни турли хил салбий оқимлар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олишга, ҳуқуқбузарлик, жиноят содир этиш ҳолатларининг кескин камайишига сабаб бўлади десак муболаға бўлмайди. Зеро қаровсиз болага барчамиз масъул эканлигимизни унутмаслигимиз лозим,- дейди биз билан суҳбатда Гулчирой Раҳмонова.

- Болага бўлган эътибор унинг келажаги ва руҳиятига катта таъсир кўрсатиши болалар томонидан бирма бир таъкидланиб, ҳаётий мисоллар ёрдамида изоҳлаб берилганда, жамиятимизнинг ҳар бир фуқароси бу борада масъул эканлигига яна бир бор амин бўлдик, дея қўшимча қилади Сардоба туман халқ таълими бўлими васийлик ва ҳомийлик органи назоратчиси Рустам Қурбонов.

Хулоса ўрнида эса юқоридаги бола ҳақидаги мисолимизга қайтамиз. Белчасига пул тўла ҳамённи осиб олган, чаққонлик билан йўл ҳақи йиғаётган бу бола тенгдошлари қаторида оромгоҳга боришни, маза қилиб ўйнашни хоҳлайди. Бу унинг нафақат орзуси, балки ҳуқуқи ҳамдир. Ўтказилган бундай тадбирлар орқали болаларнинг орзулари ва ҳуқуқлари асраб-авайланади ва ҳимоя қилинади.

Фракция йиғилишлари ўзаро баҳсларга бой бўлмоқда

МАФКУРА

Ижтимоий муҳитнинг барқарорлиги

Қарши қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида ЎзМТДП Қарши шаҳар кенгаши томонидан вилоят маънавият тарғибот маркази, вилоят прокуратураси, вилоят ички ишлар бошқармаси, вилоят мусулмонлар идораси ҳамкорлигида "Ижтимоий муҳитнинг барқарорлиги" мавзусида тадбир ўтказилди.

Меҳрибон ОЛЛОБЕРГАНОВА

Тадбирни касб-ҳунар коллежи директори, ЎзМТДП шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Замира Маманазарова кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларни кун тартибидаги масалалар билан таништирди.

Вилоят маънавият тарғибот маркази раҳбари Лола Соатова бугунги кунда мафкуравий таҳдид ва хатарларга қарши курашиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш, унинг янги шакл ва услубларини тарбия тизимида жорий қилиш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

ЎзМТДП шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Даврон Кесимов кун тартибидаги масалаларнинг мазмун-моҳиятига тўхталиб, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Устав ва Дастурида аҳолини айниқса, ёш авлодни ҳуқуқий, сиёсий, билимларини ошириб бориш муҳим вазифа этиб белгиланганлигини таъкидлаган ҳолда мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар, Президент Фармон ва Қарорларини фуқароларга кенг тушунтириш борасида ўтказилаётган тадбирларга эътибор қаратди. Тадбирда сўз олган вилоят прокуратураси вояга етмаганларга оид қонунчиликни таъминлаш бўлими бошлиғи М.Шарипов вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий маданият ва тарбия оилада, маҳаллада ҳамда мактабда шаклланишини таъкидлаб, бу бора муҳим жиҳат ҳамкорлик эканлигига урғу берди.

Шунингдек, йиғилишда Президентимизнинг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар ҳам муҳокама этилди.

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

ЎзМТДП АЁЛЛАР ҚАНОТИ

Аёлга эътибор – келажакка пойдевор

бўлиб хизмат қилади

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Партия аъзолари бўлган, турли соҳаларда фаолият олиб бораётган хотин-қизларнинг танловга қатнашиш иштиёқи ва ўз кучи, билимига ишончи, интилувчанлиги, мамлакатимиз ва дунёда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга нисбатан бефарқ эмаслиги уларнинг нафақат оила илмида, балки сиёсий-ҳуқуқий маданият ва етакчилик қобилиятларида анчайин уддабурон ва ташаббускор эканлигини яна бир бор намоён этди. Жойлардаги мусобақаларни кузатар эканмиз, бу фикримиз янада қатъийлашади. Демак, хотин-қизларимизда уларни сиёсий фаолликка янада дадил ундовчи, бу йўналишдаги билимлари ва имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашувчи рағбатга эҳтиёж бор экан. Партиямиз "Аёллар қаноти" ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур танлов бу йўлдаги муҳим қадамлардан бири бўлди, десак янглишмаймиз.

* * *

Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтида ўтказилган "Донолик ва ташаббускорлик–сиёсий етакчилик мезони" республика кўрик-танловининг вилоят босқичида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар депутатлари, партия МК Ижроия қўмитаси девони ходимлари, вилоят кенгаши аъзолари, вилоят маънавият-тарғибот маркази, хотин-қизлар қўмитаси вакиллари иштирок этди.

Дастлаб сўзга чиққан ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Комилжон Отахонов мазкур танловнинг мазмун-моҳияти ва мақсади, уни ўтказиш зарурати ҳақида гапириб, бугун жамият ҳаётида аёлларнинг роли ва ўрни тобора ортиб бораётгани, уларни сиёсий жараёнларга жалб этиш ва фаоллигини ошириш борасида партия томонидан ҳам бир қатор ишлар олиб борилаётганини таъкидлади.

Танлов шартлари доирасида иштирокчилар М.Юнусова, Х.Кимсанова, Н.Абдужалилова, Н.Тожибоева, Н.Ҳакимова, Г.Исроилжонова, Р.Усмонохуновалар ўртасида қизғин беллашув бўлиб ўтди. Уларнинг чиқишларини вилоят Журналистлар уюшмаси, ФҲДЁ, ФЖЎИ вилоят ахборот-таҳлил маркази, "Андижоннома" газетаси вакилларидан тузилган ҳакамлар ҳайъати одилона баҳолаб бордилар. Танлов якунига кўра Манзурахон Юнусова мутлоқ ғолиб деб топилиб, "Доно ва ташаббускор" номига сазовор бўлди ва республика босқичига йўлланма олди.

Шунингдек унда "Билимдон ва зукко", "Қобилиятли сиёсатчи", "Иродали сиёсатчи", "Энг ёш иштирокчи" ва "Энг фаол иштирокчи" номинациялари бўйича совриндорлар аниқланди.

* * *

Кеча республика Байналмилал маданият марказида кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Туман бочқичларида фаол иштирок этган 11 нафар иштирокчи шаҳар босқичи ғолиблигига эришиш учун эса уларнинг маънавий, сиёсий ҳамда ҳуқуқий саводхонлиги синовдан ўтказилди.

Анъанага мувофиқ, қатнашчиларга партия вилоят кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

* * *

— Туманлардан саралаб олинган 9 нафар иштирокчи танловнинг вилоят босқичи ғолиблигига даъвогарлик қилди. Бунда уларнинг кўрик шартларига мувофиқ "Маънавий, сиёсий, ҳуқуқий саводхонлик беллашуви", "Глобаллашув жараёнларида маънавий қадриятларни сақлаш муаммоси (эркин мавзу)", "Агар мен депутат бўлсам" лойиҳалари бўйича билим ва маҳоратлари синалди,- дейди ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси Муҳаббат Тўрабоева. — Айниқса, сўнгги шарт бўйича қатнашчиларнинг депутатликка номзоднинг сайлов компаниясини ташкил этиши, сайловолди дастури тарғибот-ташвиқоти, сайловчилар ишончини қозонишнинг янги йўлларини тақдим этишлари томошабинларнинг ҳам эътирофига сазовор бўлди.

Урганч Маданият ва санъат коллежида бўлиб ўтган вилоят кўрик-танловида Хазорасп туманидан Индира Мадаминова ғолиб деб топилди. Шунингдек фаол иштирок этган Фазилат Матназарова, Феруза Маткубова, Шаҳноза Тангрибергановa, Зулфия Ҳайитова, Насиба Жаббаровалар бир қатор номинациялар бўйича тақдирландилар. Ғолибларга партия вилоят кенгашининг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлари тақдим этилди.

* * *

Самарқанд тиббиёт коллежида ўтган танлов боқий миллий анъана ҳамда қадриятларни асраб-авайлаш ва эъзозлаш, уларнинг келгуси авлодларга ҳам завол билмай етиб боришини таъминлаш, фарзандларимиз қалбида ватанпарварлик, меҳр-оқибат, юртга садоқат туйғуларини мустаҳкамлашда нималарга эътибор қаратиш зарурлиги, шунингдек глобал аҳамият касб этаётган одам савдоси, гиёҳвандлик, диний экстремизм ва террорчилик ҳаракатларига қарши кураш масалалари ҳам қатнашчиларнинг бажарилган шартлар бўйича чиқишларида ўз аксини топди. Танлов вилоятдаги нуфузли олийгоҳлар, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежларида фаолият олиб бораётган 14 нафар хотин-қизларнинг қизғин беллашувлари остида кечди.

— Хотин-қизларда бугунги юз бераётган глобаллашув жараёнларига нисбатан ўз нуқтаи-назарини шакллантириш, ўзликни англаш туйғусини мустаҳкамлаш ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш олдимизда турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Қатнашчилар ўз тақдимотлари билан маънавий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий соҳалардаги билимларини кўрсатиш билан бирга, бу йўналишдаги ишларни олиб боришнинг янги услубларини ҳам тақдим этишар экан, бундан уларнинг пухта ва мукаммал билимга эга эканлигининг гувоҳи бўлдик. Уларни фаолиятимизга татбиқ этиш ишларимизни янги поғонага кўтариши шубҳасиз,-дейди ЎзМТДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари Лутфулла Мамасолиев.

Шартларни бекаму кўст бажаришга эришган ва юқори балл тўплаган СамДУ талабаси Моҳира Мустафоева биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Гулобод ижтимоий-иқтисодий коллежи ўқитувчиси Назира Узоқова иккинчи, Ургут қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Мадина Ўсарова учинчи ўринга лойиқ деб топилди. Қатнашчиларга вилоят кенгаши Ижроия қўмитасининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

* * *

Мазкур кўрик-танлов ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан ҳам ўтказилди. Танловда биринчи ўринга Деҳқонобод туман Маънавият-тарғибот маркази бош мутахассиси Лола Нурматова лойиқ деб топилди. Иккинчи ўринни Қамаши туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Фотима Кароматова қўлга киритган бўлса, учинчи ўрин ЎзМТДП Китоб туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Дилфуза Қодировага насиб этди.

* * *

— Бугун мамлакатимизда аёлларнинг давлат ва жамият ривожидаги ҳиссаси катта бўлмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий, маърифий соҳалардаги салоҳиятини тўлақонли намоён этиш, уларга зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш, хотин-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда,- дейди ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Ижроия қўмитаси девони бош мутахассиси Зуҳра Тожиходжаева. — Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам аёлларнинг жамиятимиздаги мавқеини янада юксалтириш, орзу-ўйлари, интилишлари ва қизиқишларини ўрганиш, пировардида эса уларнинг куч-ғайрат, ақл-заковатини улуғ мақсадлар йўлида бирлаштиришни асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблайди. Айни кунларда партия томонидан "Донолик ва ташаббускорлик сиёсий етакчилик мезони" мавзуида ўтказилаётган республика кўрик-танлови бу борадаги эзгу ишларнинг биридир дейиш мумкин.

Нукус шаҳридаги ёш томошабинлар театрида бўлиб ўтган танловнинг республика босқичини Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Валижон Реимов очди.

Мазкур кўрик-танловда шаҳар ва туман босқичлари ғолибларидан 7 нафар аёллар қатнашдилар. Иштирокчиларнинг саводхонлиги, топқирлиги, донолиги ва ташаббускорлиги томошабинларни бефарқ қолдирмади. Айниқса, халқимизнинг миллий қадриятларини йўқотишга қаратилган мафкуравий таҳдидларга қарши кураш йўлларини кўрсатиб берган саҳна кўринишлари, шунингдек, "Агар мен депутат бўлсам" шарти бўйича тақдим этилган лойиҳалар ўзининг ғоя ва ранг-баранглиги ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилганлиги билан ҳаммага манзур бўлди.

Ҳакамлар ҳайъати хулосаларидан кейин ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Тадбир сўнгида партия сафига қўшилаётган бир гуруҳ аъзоларга гувоҳномалар тантанали равишда топширилди.

Республиканинг таниқли эстрада ва мумтоз қўшиқчилари, миллий ашула ва рақс халқ дастасининг чиқишлари кечага ўзгача файз бағишлади.

Тадбир сўнггида иштирокчиларни суҳбатга тортиб, ўз таассуротлари билан ўртоқлашишларини сўрадик:

ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси девони Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими бош мутахассиси Ханифа Зокирова: — Мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган мазкур кўрик-танловдан мақсадимиз ёшларимиз, хотин-қизларимиз орасида истеъдод соҳибаларини кашф этиш, уларнинг маънавий, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш ва келажакда улар орасидан сиёсий етакчиларни танлаб олиш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдир. Партиямиз Дастури доирасида ўз инъикосини топган бундай эзгу ишлар кўлами жорий "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да янада кенгаяди.

Кўрик-танлов ғолиби, қўнғиротлик Наргиза Камолова: — Мен бугунги тадбир ғолибаси бўлганимдан хурсандман. Албатта, бугунги ютуғимиз, биз ёшларга, айниқса, хотин-қизларга яратилаётган шароитлар ҳосиласидир. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий жабҳаларида хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга йўналтирилган бундай тадбирлар, учрашув ва суҳбатлар, семинар ва кўрик-танловлар Ўзбекистон тараққиётида фаол иштирокимизни таъминлашга хизмат қилишига ишонаман.

Мавлуда Собирова, Ажиниёз номидаги Нукус ДПИ талабаси, Президент стипендианти, ЎзМТДП аъзоси: — Мамлакатимизда биз ёшларга кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрликдан чексиз миннатдормиз. Ва албатта юртимиз келажаги йўлида бор куч ва билимимизни аямай, эзгу ишларнинг муносиб давомчиси бўламиз. Бугун партия аъзоси бўлдим. Бу мен учун катта ишонч деб биламан. Мақсадим партиямиз ғояларини ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этиш ва халқимиз учун кўпроқ фойда келтиришдир.

Дилноза ҲАЙИТОВА,
Илья ДИЛЬМАНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам аёлларнинг жамиятимиздаги мавқеини янада юксалтириш, орзу-ўйлари, интилишлари ва қизиқишларини ўрганиш, пировардида эса уларнинг куч-ғайрат, ақл-заковатини улуғ мақсадлар йўлида бирлаштиришни асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблайди.

Партия аъзолари бўлган, турли соҳаларда фаолият олиб бораётган хотин-қизларнинг танловга қатнашиш иштиёқи ва ўз кучи, билимига ишончи, интилувчанлиги, мамлакатимиз ва дунёда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга нисбатан бефарқ эмаслиги уларнинг нафақат оила илмида, балки сиёсий-ҳуқуқий маданият ва етакчилик қобилиятларида анчайин уддабурон ва ташаббускор эканлигини яна бир бор намоён этди.

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Муҳим ва масъулиятли ишларда

ЎзМТДП электоратини сафарбар қилиш асосий вазифа

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хусусан, мазкур асар бўйича Тошкентда ўтган халқаро илмий-амалий конференцияда дунёнинг 60 мамлакати ва 30 халқаро ташкилотидан 350 нафардан зиёд сиёсат арбоблари, олимлар ва таҳлилчиларнинг иштирок этганлиги ҳам Президентимиз китобига халқаро жамоатчилигининг қизиқиши ниҳоятда катта эканлигини кўрсатди.

Мамлакатимизда ҳам турли вазирлик ва идораларда, жамоат ташкилотларида, маҳаллий ҳокимият органларида ҳам давлатимиз раҳбари асари чуқур ўрганилиб, ҳар бир соҳа вакиллари ушбу китобдан келиб чиқадиган вазифаларни белгилаб олмоқдалар. Жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча ташкилотлари, парламент қуйи палатасидаги фракцияси, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларида ҳам Юртбошимиз китоби кенг ва атрофлича муҳокама қилиниб, тегишли вазифалар белгилаб олинди.

ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси март-апрель ойларида вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳар партия кенгашларида "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асари юзасидан семинар ташкил қилинди. Семинарлар ишида партия Марказий Кенгаши ва фракцияси аъзолари, партиядан сайланган халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар депутатлари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти экспертлари, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари, умуман олганда 1200 дан зиёд ватандошларимиз иштирок этишди.

- Олдимизда турган асосий вазифа, - деди пировардида партия раҳбари ўринбосари, - Президентимиз китобидан келиб чиқадиган йўл-йўриқларни партиямиз дастурий мақсадларига мос ҳолда ҳаётга татбиқ этишимиз, бунда тараққиётимиз йўлига тўғаноқ бўлаётган кераксиз ва сунъий равишда ўйлаб топилган турли маросимлардан воз кечишимиз, тўйларда ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймаслик ва фарзандларимиз тарбиясига алоҳида эътибор беришимиз зарур.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари гуруҳларга бўлиниб, Инқирозга қарши чоралар Дастури юзасидан жамоатчилик ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ҳақида ўз таклиф ва тавсияларини билдиришди. Бундай амалий машғулотлар эса семинар ишининг янада самарали ўтишини таъминлади.

"МТ" ЁШЛАРИ

Биз бир Ватан фарзандларимиз

Анорбой НОРҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ёш авлодга яратилаётган имкониятлар, бу масаланинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги бугунги кун ёшларининг келажакка бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш билан бирга уларнинг барча жабҳалардаги фаоллигини оширмоқда. Буни Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сирдарё вилояти кенгаши "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Яқинда "Ёшлар қаноти" фаоллари Гулистон шаҳридаги 27-сонли меҳрибонлик уйида "Биз бир Ватан фарзандларимиз" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказди.

"Ёшлар қаноти" етакчиси Маҳфират Маҳкамова тадбирни очар экан, иштирокчиларга партиянинг Дастури, Низоми, мақсад ва вазифалари, унинг жамият ҳаётида тутган ўрни, вилоят миқёсида олиб бораётган ишлари ҳақида батафсил маълумот берди.

Шундан сўнг "Ёшлар қаноти" фаоллари томонидан интерфаол усулда иштирокчиларда партия ҳаёти, унинг ёшлар сиёсати борасида олиб бораётган ишлари, келажакдаги режалари ҳақида тушунча ҳосил қилишга қаратилган ўйинлар ташкил этилди. Ўртага ташланган "Агар сиз "Миллий тикланиш" демократик партиясидан депутат этиб сайланганингизда дастурингизда нималарга эътибор қаратар эдингиз?", деган савол қизғин баҳс-мунозарага сабаб бўлди. Тадбирда сўз олган ёшлар ўзларининг бир қанча таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар ва бир қатор лойиҳалари билан ўртоқлашдилар.

Тадбирнинг кейинги босқичида ёшлар ўртасида "Ақл чархи" деб номланган танлов ўтказилди. Иштирокчилар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг рамзини шарҳладилар, Низоми, Дастури бўйича савол-жавоблар ташкил этилди.

Интерфаол ўйинда қатнашиб, ўзларининг билимли ва ҳозиржавобликларини намойиш этган меҳрибонлик уйининг бир гуруҳ иқтидорли тарбияланувчилари ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитасининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Анжуман байрам дастурига уланди. Вилоят кенгаши қошида ташкил этилган "Сирдарё ёшлари" гуруҳининг аъзолари Зулҳумор Зияутдинова, Ҳасан Йўлдошев, Осиё Қаршибоева ўзларининг миллий куй-қўшиқлари билан кечага ўзгача файз бағишладилар.

"Ёшлар қаноти" фаоллари томонидан худди шундай тадбирлар Янгиер, Ширин шаҳарларида ва Сирдарё, Мирзаобод, Боёвут туманларида ҳам ўтказилди.

БЕЛЛАШУВ

Оила – келажагимиз пойдевори

Шарофат МУСАЕВА,
ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари

Соғлом она-соғлом келажак бунёдкори. Ана шундай ҳаётий талабдан келиб чиқиб, ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши вилоят хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда "Ёш оилалар — келажагимиз пойдевори" мавзусида хотин-қизлар ўртасида вилоят миқёсида спорт мусобақасини ўтказди. Жиззах шаҳридаги Олимпия заҳиралари спорт коллежида бўлиб ўтган тадбирда иштирокчилар спортнинг енгил атлетика тури бўйича ўзаро куч синашдилар.

— Самимий дўстона руҳда ўтган ушбу беллашувда хотин-қизларнинг ҳар томонлама чиниққанлиги, спорт машғулотлари билан мунтазам равишда шуғулланаётганлигининг гувоҳи бўлдик,- деди совриндорларни муносиб совғалар билан тақдирлаган партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ғайрат Қодиров. Шунингдек, тадбирда сўз олган, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Ш.Аҳророва, Жиззах Олимпия заҳиралари спорт коллежи директори ўринбосари М.Аҳроркулова ЎзМТДП билан ҳамкорликдаги бу каби спорт мусобақалари келгусида туманлар марказларида, қишлоқ ва маҳаллаларда ҳам ўтказилиши режалаштирилганлигини айтиб ўтдилар.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ

Архивлар ҳаёт кўзгуси

бироқ айрим ташкилот ва муссасалар ҳужжатларни давлат архивларига ўз вақтида топширмаяпти

Нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлган Ўзбекистоннинг қадимий ва табаррук тупроғидан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган ва сайқал топган. Улар ўзларининг ақлий салоҳияти, доно фикрлари билан жаҳон тараққиётига муносиб ҳисса қўшганлар. Улуғ аждодларимизнинг илмий – ижодий мероси, амалга оширган эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло ўчмайди. Улкан меросни авайлаб сақлаш, келажак авлодга етказишда архивларнинг аҳамияти беқиёс. Бу борада архивларнинг фаолияти қандай кечмоқда? Қандай ютуқ ва муаммолар мавжуд?

Абдуғафур МАМАТОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Миллий архив фонди таркибига киритилган тарихий, илмий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни сақлаш, бутлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга олиш, қимматлилиги экспертизасини ўтказиш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

"Архивлар тўғрисида"ги Қонун ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳокимият органлари ва агентликнинг бир қанча қарорлари қабул қилиниб, "Ўзархив" агентлиги тизимидаги давлат архивлари фаолияти ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ташкил этилган.

Миллий архив фондининг яхлитлигини сақлаш, фуқаролар, жамият ва давлатнинг ижтимоий, маданий, илмий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш мақсадида архив ҳужжатларини ҳисобга олиш, экспертиза қилиш, рўйхатдан ўтказиш, бутлаш ҳамда улардан фойдаланишнинг ягона тартиби белгиланган.

Ҳозирда "Ўзархив" агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузурида архив иши ҳудудий бошқармалари фаолият кўрсатмоқда.

"Ўзархив" агентлиги тизимида 3 та Марказий давлат архиви, Қорақалпоғистон Республикаси Марказий давлат архиви ва унинг 10 та филиали, 12 та вилоят давлат архиви ва уларнинг 71 та филиали ва Тошкент шаҳар давлат архиви фаолият кўрсатмоқда. Республиканинг жами 98 та давлат архивида 7 170 297 та сақлов бирлигида ҳужжат сақланмоқда. Улардан 6 641 618 та сақлов бирлигида бошқарув ҳужжатлари, 40 894 та сақлов бирлигида илмий-техникавий ҳужжатлар, 18 953 та сақлов бирлигида кино, 393 468 та сақлов бирлигида фото, 14 973 та сақлов бирлигида овозли ҳужжатлар ва 60391 та сақлов бирлигида шахсий келиб чиқишга оид ҳужжатлардир.

Республика бўйича 7469 та идоравий архив фаолият кўрсатмоқда. Уларда Миллий архив фондига киритилган 1180322 та сақлов бирлигида ҳужжатлар сақланмоқда. Ҳар йили давлат архивлари томонидан 200 000 дан ортиқ сақлов бирлигида ҳужжат Миллий архив фондига сақлаш учун қабул қилинади. Шунингдек, жойларда хўжалик ҳисобидаги 111 та идоралараро шахсий таркиб архиви ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Марказий давлат архивлари ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди таркибига киритиш ёки ҳужжатларни ундан чиқариш "Ўзархив" агентлиги эксперт комиссиясининг хулосаси, Тошкент давлат архиви ва Тошкент вилояти давлат архивлари ҳужжатлари эса архив иши ҳудудий бошқармалари қошидаги эксперт комиссиялари хулосалари асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси давлат архивлари (уларнинг филиаллари) тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан тузилган.

Вилоятлар давлат архивлари (уларнинг филиаллари) ҳамда Тошкент шаҳар давлат архиви тегишли вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан тузилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 августдаги 194-қарорининг 8-бандига асосан янги давлат архивлари ёки уларнинг филиалларини тузиш тўғрисидаги маҳаллий ҳокимиятларнинг қарорлари "Ўзархив" агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Нодавлат архив муассасаларининг республикада фаолият кўрсатиши "Архивлар тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасида белгиланган тартибга кўра ташкил этилган. Бугунги кунда республика бўйича Қорақалпоғистон Республикасида 11 та, Навоий вилоятида 10 та нодавлат архив муассасаси ташкил этилганлиги аниқланган. Мазкур архив муассасаларида бозор иқтисодиёти шароитида хусусий секторни ривожлантиришга алоҳида урғу берилаётгани, турли хил нодавлат ташкилотларнинг очилиши ва уларда Миллий архив фонди таркибига киритилмайдиган, илмий-амалий аҳамиятга эга бўлмаган, лекин иш юритиш талабларига асосан маълум бир муддат сақланиши керак бўлган ҳужжатлар шартнома асосида сақланиши учун ташкил этилган. Аксарият нодавлат ташкилотларининг ҳужжатларни сақлаш учун имконияти йўқлиги, давлат архивларида эса ҳужжатларни қабул қилиш учун жой етишмаслиги мазкур архивларни ташкил этиш эҳтиёжини келтириб чиқармоқда.

Шу билан бирга, нодавлат архивлари томонидан давлат архивларини бутлаш манбаи саналган ташкилотларнинг ҳужжатларини илмий-техник қайта ишлаш ва мазкур амалиётни талаб даражасида бажармаётганлиги буюртмачи ташкилот учун ҳам, давлат архиви учун ҳам зиён етказмоқда. Масалан, Тошкент шаҳри ҳудудида фаолият юритаётган "Архивист" фирмаси томонидан Тошкент шаҳар ва туманлари фуқаролик ва жиноий ишлар судларининг ҳужжатларига нотўғри илмий-техник қайта ишлов бериш натижасида, айрим ҳужжатлар муддатидан олдин йўқ қилинганлиги, ҳужжатлар рўйхатлари нотўғри расмийлаштирилганлиги аниқланган. Тошкент шаҳар архив иши бошқармаси, "Ўзархив" агентлиги Ўзбекистон Республикаси Олий Судига мурожаат этиб, қайд этилган салбий ҳолат бартараф этилган.

Шу билан бирга, нодавлат архивлари томонидан давлат архивларини бутлаш манбаи саналган ташкилотларнинг ҳужжатларини илмий-техник қайта ишлаш ва мазкур амалиётни талаб даражасида бажармаётганлиги буюртмачи ташкилот учун ҳам, давлат архиви учун ҳам зиён етказмоқда.

Айрим ҳолларда нодавлат архивлар давлат архивларининг бутланиш манбаи бўлган ташкилотларнинг ҳужжатларини сақловга қабул қилиш ҳолатлари учрамоқда. Савдо-саноат палатаси марказий архиви томонидан Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти давлат архивларининг бутланиш манбаи бўлган "Ташвилюктранс"нинг 1955-2001 йилларга оид 42 та сақлов бирлигида ҳужжат, "Ташоблпасстранс"нинг 1991-2001 йилларга оид 45 та сақлов бирлигида доимий сақланувчи ҳужжатлар қабул қилинган. Мазкур ҳужжатлар бугунги кунга қадар давлат архивларига топширилмаган ва уларни мулкдорига қайтариб берилганлиги ҳақида маълумотлар ҳам йўқ. Шунингдек, мазкур ҳолат Қорақалпоғистон Республикасида аниқланган бўлиб, ушбу ҳолат юзасидан Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашига мурожаатнома киритилди ва ҳужжатларни қайтариш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқилди. Юқорида келтирилган ҳолатлар "Архивлар тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасига зиддир.

"Архивлар тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасида ташкилотлар архив ҳужжатларини вақтинча сақлаш ва улардан фойланишни ташкил этиш учун идоравий, бирлашган идоравий ёки идоралараро архивлар тузишлари мумкин деб белгиланган. Лекин Навоий вилоятида фаолият юритаётган хусусий архивлар тугатилган давлат ташкилотлари (хусусан, қишлоқ хўжаликларининг 1930 йиллардаги шахсий таркиб ҳужжатлари) архив ҳужжатлари асосида ташкил этилган. Бу эса қонуннинг 10-моддасида белгиланган тартибга зиддир.

Нодавлат архив муассалари Республикада архив иши ва иш юритиш соҳасида ягона сиёсат олиб борувчи "Ўзархив" агентлиги ва ҳудудий архив иши бошқармаларига сақланаётган ҳужжатлар ҳақида ахборот тақдим этмаётганлиги аниқланди.

Республика бўйича 98 та давлат архиви ҳамда 14 та вазирлик ва идоралар архивлари архив ҳужжатларини доимий сақлаш ҳуқуқига эга.

Марказий давлат архивида Мустақиллик давригача бўлган 1612022 та сақлов бирлигида ҳужжат, Мустақиллик даврига оид 492 та сақлов бирлигида ҳужжат, 199 та шахсий фондда 41563 та сақлов бирлигида ҳужжат, кино, сурат, овозли ҳужжатлар Марказий давлат архивида Мустақиллик давригача бўлган жами 258167 та сақлов бирлигида ҳужжат бўлиб, улардан 18732 таси кино, 14781 таси овозли ва 224654 таси суратлардир, Мустақиллик даврига оид 7601 та сақлов бирлигида ҳужжат бўлиб, улардан 7188 таси сурат, 221 таси кино, 192 таси овозли ҳужжатлардир. Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архивида жами 222239 сақлов бирлигида ҳужжатлардан 218307 та сақлов бирлигида ҳужжат Мустақиллик давригача, 3932 та сақлов бирлигидаги Мустақиллик даврига оид ҳужжатлар доимий сақланади. Тошкент шаҳар давлат архивида Мустақиллик давригача бўлган 279582 та сақлов бирлигида ҳужжат, Мустақиллик даврининг 3012 та сақлов бирлигидаги ҳужжатлар доимий сақланади. Тошкент вилояти давлат архиви ва унинг филиалларида Мустақиллик давригача бўлган 567987 та сақлов бирлигида ҳужжат, Мустақиллик даврига оид 330 та сақлов бирлигида ҳужжат ва шахсий фондда 15 та сақлов бирлигида ҳужжат доимий сақланади.

Бироқ айрим ташкилотларнинг идоравий архивлари биноларнинг ертўлаларида жойлашган бўлиб (масалан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, ҳужжатларнинг сақловини таъминлаш талаб даражасига жавоб бермаслиги туфайли Марказий давлат архиви ҳужжатларига зиён етмоқда. Тошкент шаҳар Чинни заводи архивида ўз вақтида ёнғин хавфсизлиги чораларини кўрмаганлиги сабабли ҳужжатларига зиён етказилган, шунингдек, давлат сақловига тўлиқ топширилмаган.

8-моддада доимий сақланиши керак бўлган архив ҳужжатлари идоравий архивда вақтинча сақлаш муддатлари ўтганидан кейин белгиланган тартибда давлат архивларига топширилиши белгилаб қўйилган.

Бироқ айрим ташкилот ва муассасалар томонидан доимий сақланиши керак бўлган ҳужжатларни давлат архивларига белгиланган талаб даражасида ўз вақтида топширилиши амалга оширилмаяпти. Масалан, Кино, сурат, овозли ҳужжатлар марказий давлат архивининг бутлаш манбаига киритилган "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат сақловига фотоҳужжатларни топширмаган.

Шунингдек, давлат архивининг бутлаш манбаи саналган ташкилотлар идоравий архивларида сақланаётган ҳужжатларга ўз вақтида илмий-техник ишлов бериш, ҳужжатларни даврий ва мазмунан сифатини таъминлаш талаб даражасига жавоб бермаслиги натижасида давлат архивларига тўлиқсиз ҳужжатлар келиб тушмоқда.

Айрим ҳолларда давлат архивларини бутлаш манбаи бўлган ташкилотлар кино, сурат, овозли ҳужжатлар Марказий давлат архивининг мутахассисларига ҳужжатларини танлаб олиш имкониятини чекламоқда. Улар томонидан ўтган давр мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулот тўғрисида тўлиқ маълумот берилмаслиги ва архивга топширишга ажратилган ҳужжатларгина қимматлилиги экспертизасидан ўтказилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 2004 йил 3 февраль 49-сонли қарорига асосан Марказий давлат архиви кутубхонаси тарихий-илмий нашрлар ва даврий матбуотнинг назорат нусхаларини олувчи ташкилотлар рўйхатига киритилган. Бироқ қатор нашриётлар томонидан чоп этилаётган даврий нашрлар, журналлар ва илмий адабиётларнинг нусхалари мазкур кутубхона фондига мунтазам равишда топширилиши таъминланмаган.

(Давоми келгуси сонда)

ОГОҲЛИК

Ёшлар тарбиясида

лоқайдликка йўл қўйиб бўлмайди

Глобаллашув жараёнида турли таҳдидлар, шу жумладан наркобизнес, одам савдоси, диний экстремизм, ёт мафкурани сингдириш, маънавий ҳамда ахборот хуружларининг кучайиши, уларнинг миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга, шунингдек аҳоли, айниқса айрим ёшлар онги ва дунёқарашига салбий таъсир кўрсатаётгани кўпчиликни ташвишга солмоқда.

Сарвар ХУРРАМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Аҳолини, айниқса ёшларни турли зарарли оқимлар таъсиридан асраш, уларда мустақил фикр ва дунёқарашни шакллантириш ҳамда ҳаётда ўз йўлини топишида маҳалланинг, жамоатчиликнинг ўрни катта. Шунингдек, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни касб-ҳунарга йўналтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда ёшларимизнинг бўш вақтини тўғри ташкил қилиш, касб-ҳунар ва фойдали меҳнатга жалб этиш, турли тўгараклар фаолиятини жонлантириш, янгиларини очиш, улар учун спорт тўгараклари ва клубларда зарур шароитлар яратиб бериш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Афсуски, мустақил фикрга эга бўлмаган ва ишонувчан айрим ёшларимизнинг билиб-билмай зарарли оқимлар қопқонига тушиб қолаётгани баъзан учраб турибди.

Ушбу масала юзасидан мутахассисларимизнинг фикри билан танишсак.

Абдуазиз Жўраев, сиёсатшунос:

- Ёшларда қизиқувчанлик ва интилиш кучли бўлади. Уларнинг ана шу хислатидан ёвуз ниятли кимсалар фойдаланиб қолишга уринишади. Чунки, ёшлар тажрибасизлиги туфайли таклиф қилинаётган ғоялар ортида қандай мақсадлар яширинганига кўп ҳам эътибор қаратишмайди. Энг муҳими фарзандларимиз тарбияси, қизиқиш доираси ва бўш вақтини назоратсиз қолдирмаслигимиз керак.

Халқимизда бир болага етти маҳалла жавобгар деган нақл бор. Тенгдошларимизнинг турли ёт мафкуралар таъсирига тушиб қолмаслиги учун барчамиз масъулмиз.

Файзулла Маннопов,
Абдулла Қодирий номли маҳалла раиси:

- Маҳалламиз мисолида айтадиган бўлсам, ёшлар тарбиясига жиддий эътибор берамиз. Бу масала юзасидан иш олиб борадиган маҳалла фуқаролар йиғини қошида махсус комиссия тузилган бўлиб, ҳар ҳафтада улар билан мулоқот ўтказилади. Ёшларнинг айни пайтда нима билан машғул эканлиги комиссия эътиборидан четда қолмайди. Яна бир аҳамиятли томони, фарзандларимизнинг бўш вақтларини унумли ўтказишларини назарда тутиб, уларни маҳалламизда қурилган маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, жумладан сартарошхона, новвойхона, савдо дўкони ва этикдўзликка ишга жойлаганмиз. Ёки бўлмаса ҳали ишга лаёқати бўлмаган мактаб ўқувчиларини дарс вақтидан сўнг онгига салбий таъсир этадиган турли ўйинлар билан чалғимаслик мақсадида 50 ўринга мўлжаллаб қурилган спорт залига жалб қилганмиз. Шунингдек, комиссия уларнинг ишга келиб кетишини ҳам алоҳида назорат қилади. Ўтказилаётган тадбирларда ёт ва зарарли оқимларнинг моҳияти, мақсади ҳақида тушунча бериб борамиз. Шу йўл билан ёшларнинг жамиятдаги фаоллиги ҳам оширилмоқда.

Расул Абдуллаев, ўқитувчи:

- Айниқса, бугунги кунда огоҳлик давр талабига айланиб улгурди. Диний экстремизм, терроризм каби офатлар қанчадан-қанча оилалар ва тақдирларни барбод қилиб, ҳар хил ёт мафкуралар хуруж қилиб турган бир пайтда ҳар биримиз жамият олдида алоҳида масъулият ҳис этишимиз лозим. Мамлакатимизда аҳолининг 60 фоизини ёшлар ташкил қилади. Шу туфайли, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида талаба ва ўқувчилар иштирокида миссионерлик, қўпорувчилик ва бошқа ёвуз ғояларга қарши курашишга қаратилган йиғилишлар ташкил этилмоқда. Айни дамда ёшларимизда уларга қарши иммунитетни шакллантиришга доир амалий ишларни ҳеч қачон сусайтирмаслигимиз даркор. Зеро, тарбия маскани ҳисобланган ўқув даргоҳлари, маҳаллалар, оилаларда олиб борилаётган тушунтириш ишлари келажакда ўз самарасини беришига ишончимиз комил.

Дарҳақиқат, донишмандлардан бири "лоқайдлик ҳам қалбни, ҳам маконни ҳароб этади", деган экан. Бу воқеа олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, дея ҳодисаларга бепарволик, лоқайдлик қилиб бўлмайди. Биз атрофимизда бўлаётган ҳар бир воқеага нисбатан ҳушёр ва сезгир бўлишимиз керак.

2009 ЙИЛ – ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ

Ислоҳотлар изчиллиги

қишлоқлар фаровонлигини ошириб, тараққиётини таъминлайди

Мамлакатимиз мустақилликка эришганининг илк йилларидан бошлаб қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аҳоли қатламларининг яшаш шароити ва фаровонлигини яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Маълумки, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Айнан ушбу соҳа мамлакатимиз аҳолисини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдан ташқари, иқтисодиётнинг бошқа кўплаб тармоқларига хомашё ресурсларини ҳам етказиб бермоқда.

И.ҲАЙДАРОВ,
Ф.ЭГАМБЕРДИЕВ,
ТДЮИ ўқитувчилари

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидаги субъектларни қамраб олади, уларнинг ривожланиши учун қулай ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий шароитларни яратади ва шу орқали аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва саноатнинг хомашёга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондира боради.

Маълумки, юртимизда тизимдаги мулкдорлар синфи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи мустақил фермер хўжаликлари, майда товар ишлаб чиқарувчи деҳқон хўжаликлари истиқболли қишлоқ хўжалиги тадбиркорлиги сифатида шаклланмоқда. Ислоҳотлар натижасида соҳа ривожланишида ва аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишда ижобий натижаларга эришилаётир. Айниқса, қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш бу борада ўтказилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналиши бўлиб қолмоқда. 2004-2006 йилларда фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелоратив ҳолатини яхшилашга қарата амалга оширилаётган чора-тадбирлар бунинг ёрқин мисолидир. Таъкидлаш ўринлики, бозорларимиз ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан тўлиши, мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг янада юксалиши ва шу орқали валюта тушумининг ошиши ҳам бевосита қишлоқ тараққиёти билан боғлиқ.



Юртбошимизнинг пахта экиладиган майдонларни камайтириш ҳисобига озиқ-овқат экинлари экиладиган ерларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтиришга қаратилган Фармони ҳам стратегик аҳамиятга эга. Мазкур Фармонда дунё миқёсида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасида муаммолар юзага келаётган бугунги кунда пахта етиштириш бўйича эришилган ютуқларни сақлаб қолган ҳолда мамлакатимиз аҳолисини ўзимизда етиштирилган ва ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга эътибор қаратилади. Бу маҳсулотлар турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, айниқса, сабзавот, бошоқли ва мойли экинлар етиштиришга диққат-эътиборни қаратиш каби чора-тадбирларни амалга ошириш демакдир.

Қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиёти ва унинг ривожидаги ўрни муҳимлигини инобатга олиб, айни вақтда ушбу секторни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар харажатларини молиялаштириш механизми такомиллаштирилмоқда, қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда.

Жорий йилнинг мамлакатимизда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиниши ҳам мазкур соҳадаги ислоҳотларни янги поғонага олиб чиқишга, ҳуқуқий шарт-шароитларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Айниқса, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури бу ислоҳотларнинг изчиллиги ва ривожлантириш истиқболини янада мустаҳкамлайди. Дастурда белгиланаётган вазифалар бугунги кунда қишлоқларимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини юқори босқичга кўтариши шубҳасиз. Қишлоқда турмуш даражасини ошириш, қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, қишлоқ жойларида уй-жой ва ижтимоий соҳа объектлари қурилишини лойиҳалаш ҳамда қишлоқ жойларининг архитектурасини ташкил этиш тизимини тубдан яхшилаш шулар жумласидандир. Хусусан, маҳаллий хомашёлардан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш объектларини қуриш ва мавжудларини кенгайтириш учун 17 миллиард сўмдан зиёд маблағлар сарфланиши кўзда тутилган. Жумладан деярли барча вилоятларда замонавий ғишт ишлаб чиқарувчи заводлар қуриш белгиланмоқда. Бунинг натижасида, биринчидан жойларда янги иш ўринлари яратилса, иккинчидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи, ташиб келиш харажатлари камайиши ҳисобига пасаяди.

Олиб борилаётган бундай йўл ва воситалар орқали қишлоқларимизга кичик саноатнинг кириб бориши жадаллашмоқда, фермерлик янада ривожланиб, мулкдорлар, тадбиркорлар ва ишбилармонлар сони кўпаймоқда, янги иш ўринлари юзага келмоқда. Буларнинг бари қишлоқларимиз фаровонлигини ошириб, тараққиётини таъминлаётир.

МАЪНАВИЯТ

НИГОҲ

Тарихи, бугуни ва келажаги буюк даргоҳ

Хоразм Маъмун академияси истиқлол йилларида яна халқаро эътирофга сазовор бўлди

(Давоми. Боши 1-бетда)

"Байт ул ҳикмат ва маориф" олимлари асосан математика, астрономия, кимё, тиббиёт, фалсафа, тарих, география, мантиқ, аҳлоқ, адабиёт ва мусиқа илмлари билан шуғулланиб, ушбу фанларнинг жаҳон миқёсидаги ривожига катта ҳисса қўшганлар.

Хоразм Маъмун академиясининг тарихий аҳамияти шундаки, биринчидан у жаҳон цивилизациясига ўзининг муносиб улушини қўшган икки буюк сиймо — Беруний ва ибн Синони етказиб берди, иккинчидан ўша даврда дунёвий илмлар, хусусан математика, кимё, геодезия, минералогия, тиббиёт, доришунослик, тарих, сиёсат, тил ва адабиёт, фалсафа, мантиқ, ҳуқуқ каби фанлар юксак босқичларга кўтарилди, учинчидан Маъмун академияси минтақада фанни ривожлантирибгина қолмай, балки турли давлатлар ўртасидаги маданий алоқаларни ҳам мустаҳкамлади, турли халқларни, эътиқодларни бирлаштирувчи дўстлик риштаси сифатида тарих саҳифасига ёзилди, тўртинчидан бу илмий жамоа гипотеза тарзида олга сурилган ғоялар — илм-фаннинг кейинги 500 йиллик ривожи учун муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

1017 йилда Маҳмуд Газнавий Хоразмни босиб олиб, академия олимларини Газнага кўчириб кетади.

Академия қисқа фурсат фаолият юритди. Бироқ шунга қарамай 13 йил ичида бу муқаддас даргоҳда бир қатор буюк асарлар яратилди.

Қайта тикланиш. Орадан минг йил ўтиб тарихий академия Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан қайта тикланди. 1997 йил 11 ноябрда "Хоразм Маъмун академиясини қайта ташкил этиш тўғрисида"ги Президент Фармони эълон қилинди ва замонавий Хоразм Маъмун академияси Хива шаҳрида ташкил этилди.

Дастлаб академияда 3 та бўлим, яъни "Археология, тарих ва фалсафа", "Тил ва адабиёт", "Биология муаммолари" ташкил этилиб, уларда 9 та илмий мавзу бўйича 5 нафар фан доктори, 9 нафар фан номзоди иш бошлади.

Қайта тикланган академиядаги олимлар фаолиятига, улар тадқиқотларига назар солар эканмиз, олиб борилаётган йирик инновацион лойиҳаларнинг нақадар долзарб эканлигига амин бўламиз.

1997-2003 йилларда IX-XIII асрларда Хоразм ёзма адабиёти ва оғзаки эпос, Хоразм давлатчилик тарихи, этнографияси, Хоразм шароитида турли ўсимликларни ўсиши ва ривожланиши татқиқ қилинди.

2003-2005 йилларда 10 та фундаменталь ва илмий-амалий лойиҳалар бўйича бир қатор муҳим натижаларга эришилди.

2006 йил Маъмун академияси тарихида унутилмас йил бўлиб қолди. Шу йили 2 ноябрда мамлакатимиз раҳбари ҳамда ЮНЕСКО ташаббуси ва раҳнамолигида Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик юбилейи кенг нишонланди ва йирик илмий конференция ўтказилди. Унда 30 дан ортиқ хорижлик олимлар иштирок этишди. Шуни комил ишонч билан айта оламизки, академиянинг бугунги қиёфаси биринчидан хорижлик олимларда бой таассурот қолдирган бўлса, унда олиб борилаётган илмий изланишлар уларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Зеро, юбилей муносабати билан замонавий услубда таъмирланган, барча шарт-шароитлар яратилган, энг сўнгги русумдаги инвентарлар билан таъминланган, асосийси ўз миллий қиёфасини сақлаб қолган академия биносига ҳар қандай кишининг ҳаваси келиши табиий.

Биз айни дамда академия олимлари томонидан қандай илмий изланишлар олиб борилаётгани билан қизиқдик.

Суҳбатдошимиз, академия илмий котиби М.Абдуллаев — ЎзР ФАнинг минтақавий бўлими — Хоразм Маъмун академиясида айни пайтда 8 та фундаменталь, 7 та амалий ва 1 та инновация грантлари бажарилмоқда. Асосий эътибор минтақавий муаммоларга қаратилган бўлиб, биз бугун Юртбошимиз белгилаб берган 6 та устувор йўналиш бўйича иш олиб бормоқдамиз.

Биринчи устувор йўналиш — давлатчилик тарихини ўрганиш ҳисобланиб, бу борадаги изланишлар Хоразм давлатчилик тарихини салкам 3000 йиллик деб ҳисоблашга имкон бермоқда. Профессор ва академиклар раҳбарлигида шу мавзуда "Хоразм давлатчилиги тарихи" номли йирик фундаменталь китоб тайёрланмоқда.

Иккинчи устувор йўналиш — қадимий меросимизни ўрганиш, ёш авлодга етказиш борасида ҳам тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, йирик таббиёт олимлари Абу Саҳл Масиҳийнинг "Қутб ат-тиббиа фи ас-синоат" асари араб тилидан ўзбек тилига таржима қилинди ва ибн Синонинг "Тиб қонунлари" ҳамда Исмоил Журжонийнинг "Заҳираи Хоразмшоҳий" асарлари билан қиёсий ўрганилиб, мазкур масалалар бўйича республика илмий анжумани ўтказилди.

Учинчи устувор йўналиш — тарихий-меъморий обидаларни сақлаш бўлиб, жамоа бу борада ҳам бир қатор илмий изланишлар қилмоқда. Жумладан, Ичон қалъа ҳудудидаги тарихий обидалар доимий мониторинг қилиниб, барча тарихий обидаларнинг техник паспорти қайта ишлаб чиқилди. Шунингдек, ёдгорликларга термитларнинг зарари аниқланиб, уларнинг зарарини камайтириш бўйича бир қатор муваффақиятларга эришилди.

Тўртинчи устувор йўналиш — экологик вазиятни яхшилаш, соғликни сақлаш бўйича болалар ва ўсмирлар саломатлигини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди. Хоразм вилоятидаги экологик аҳвол Тошкент, Наманган ҳудудлари билан қиёсий ўрганилиб, зарур тавсиялар берилди.

Бешинчи устувор йўналиш — тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Қ.Солаев раҳбарлигида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Алмашлаб экиш, минерал ўғитлар, дуккакли экинлар, сидерат ўсимликларининг тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликка таъсири ўрганилмоқда. Профессорлар Ғ.Сотипов ва А.Юсуповлар физик усул билан яъни ер музлаганда шўрни ҳайдаш усулини аниқладилар. Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди П.Камолов чиқинди сувларни шўрланишини камайтириш ва ҳосилдорликни кўпайтиришга таъсирини ўрганиб, илмий исботлади.

Олтинчи устувор йўналиш — биология муаммолари ҳисобланиб, бунда ўсимликлар интродукцияси муҳим ўрин тутади. Хориж ва республикамизнинг бошқа регионларидан келтирилган шўрланиш ва чўлланишга чидамли турли экин навлари синовдан ўтказилмоқда. Кўп йиллик тажрибалар натижасида 19 тур ўсимликнинг 38 нави экишга тавсия қилинди.

Булардан ташқари академик А.Саъдуллаев раҳбарлигида аниқ фанлар соҳасида, филология фанлари номзоди С.Рўзимбоев раҳбарлигида халқ достонлари, тарих фанлари номзоди С.Давлатов бошчилигида вилоятда туризм муаммолари бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жамоамизда ҳозирда 13 нафар фан доктори, 3 нафар академик, 23 нафар фан номзоди ва 30 дан ортиқ ёш илмий ходимлар фаолият юритмоқдалар. Шуни фахр билан айтиш мумкинки, ўтган 2006-2009 йилларда 3 киши докторлик, 7 киши номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Академия қошида 5 та замонавий лаборатория ташкил қилинган. Булар генетик таҳлил, физик-кимёвий, дон ва дон маҳсулотлари таҳлили, тупроқ ва термитлар ҳамда микробиология лабораторияларидир.

Ёш илмий котиб М.Абдуллаев билан суҳбат чоғида академия олимларининг ЎзР ФА илмий тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилганлигини, бундан ташқари биргина ўтган йили 5 та республика, 2 та халқаро, 20 га яқин вилоят миқёсида семинар, конференция ва давра суҳбатлари ўтказилганлигини ҳам билиб олдик.

Мақоламиз бошида Хоразм Маъмун академиясининг ўтмиши ҳам биз учун ниҳоятда қадрлидир деб айтиб ўтган эдик. Сафар чоғида шу нарсага амин бўлдик-ки, унинг нафақат ўтмиши, ҳатто бугуни ҳам аҳамиятлидир. Бугунги кунда жаҳоннинг 20 га яқин илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик қилаётган академиянинг эртаси бунданда ёруғ бўлишига шубҳа йўқ.

Фан фидойиликни қадрлайди. Бу муқаддас даргоҳда худди ана шундай фан фидойилари меҳнат қилмоқда. Бундан 12 йил олдин қайта тикланган академияга, унинг келажагига муҳтарам Юртбошимиз катта ишонч билдирган эдилар. Билдирилган ишонч, унинг олим ва илмий ходимлари зиммасига катта масъулият юклади, десак муболаға қилмаган бўламиз. Шу сабаб ҳам академиянинг довруғи қайта тикланиб, олимлар орасида ибн Сино, Беруниларнинг издошлари етишиб чиқиши шак-шубҳасиздир.



ХУНАРМАНДЧИЛИК

Ёғоч ўймакорлиги

анъаналари ишончли қўлларда

Ёғочга нақш ўйиб ишланган меҳнат маҳсулларини илк бора болалигимда кўргандим. Тор қилиб қурилган бувимнинг уйларига ўрнатилган эшик нақшлар билан ўйиб ишланган эди. Кейинчалик қадимий шаҳарлардан бири Самарқанднинг тарихий қадамжоларига зиёратга борганимда ҳунармандчиликнинг ушбу турига оид мукаммал ишларни яъни ўймакорлик усулида ишланган устунлар, эшик, дераза ромлари, уй-рўзғор буюмларини кўриб ҳайратга тушдим. Ўшандаёқ оддий ёғочдан юксак санъат асари даражасида буюм тайёрлашнинг сир-синоати нимада эканлигини билишга қизиқиб қолгандим.

Босит УМАРХЎЖАЕВ



Бугун ҳам нақшлар билан ўйиб ишланган, уйимизни безаб турган эшик, дераза, устунлар, стол, хонтахта каби халқ амалий санъати намуналари ҳақида билишга кўпчилик қизиқса керак. Ана шу мақсадда пойтахтимиздаги Абулқосим мадрасасида халқ ҳунармандчилигининг ёғоч ўймакорлиги йўналишини давом эттириб келаётган усталаримиздан бири Илҳом ака Алимов билан суҳбатда бўлдик.

- Ота-боболаримиз ҳам ҳунармандчилик билан шуғулланишган. Аммо оиламизда ёғоч ўймакорлиги соҳасида ишлаган уста бўлмаган, халқ амалий хунармандчилигининг бу соҳасини илк бора мен бошлаб бердим. Ҳамон ёдимда, мактабда меҳнат фанининг биринчи дарсида ўқитувчимиз оддий бир ёғочдан жуда кўп нарсалар ясаш мумкинлигини тушунтириб бергандилар. Эсимда биринчи меҳнат маҳсулим ёғоч болғача бўлган. Буни кўриб устозим мақтаганди. Ўша пайтдан устачиликка қизиқиб, ёғочдан ҳар хил майда-чуйда нарсалар ясашга киришдим. Отамнинг бир дўстининг ўғли билан ўқирдик. Ўша киши ёғоч ўймакорлиги бўйича бир уста бор, ўғилларимиз таътилда вақтини беҳудага сарфламасин, шогирдликка борайлик деб қолди. Эртасига отамнинг ишлари чиқиб қолиб бошқа куни олиб бораман дегандилар, қизиқишим зўрлигидан борамиз деб туриб олганман. Шу-шу ҳунармандчилик соҳасига кириб келдим. Ёғоч ўймакорлиги бўйича биринчи таълим берган устозим Ҳусан ака Ғаниев бўладилар.

Хонани тўлдириб турган бир-биридан чиройли, ҳашамдор, миллий услубдаги нақшлар билан безалган эшик, дераза, стол, хонтахта, қаламдон каби буюмларни кўриб ёғочга ишлов бериш жараёнида нималарга эътибор бериш зарурлиги билан қизиқдик.

- Ўймакор устадан ёғочларни яхши ажрата олиши талаб этилади, аввало эътибор билан танлаш керак. Дарахтнинг қуёш нури кўп тушган томони пишиқ, зич толали бўлади, бундай ёғочга майда гулларни ҳам бемалол тушириш мумкин. Ёғочларни, дарахтлардан сув қочган пайтда, кузнинг охирги ойларида кесиб оламиз. Ишлов бериш жараёнига келсак, агар эшик ясамоқчи бўлсангиз ўрнатиладиган жойига қараб тахта танлаймиз, уйнинг кўча томонигами ёки ичкарисигами ва албатта иқлими ҳисобга олинади. Яна бир жиҳатга алоҳида эътибор бериш керак, буралган, сербутоқ ёғочлардан ясалган буюмлар сифатсиз чиқади. Биз кўпинча ёнғоқ, қайрағоч, чинор дарахтларидан фойдаланамиз. Ўймакорликда ишлов беришга энг яхши ёғоч бу ёнғоқ дарахти ҳисобланади.

Доно халқимиз ҳунарли кишининг қўли гул бўлади деб бежизга айтишмайди. Моҳирона ясалган буюмлар ҳар қандай инсонни ҳайратлантириши табиий. Ўйиб туширилган нақшларнинг жилоси гўё қуриб қолган ёғочга жон ато этгандек.

- Бугунги кунда ишлайдиган нақш услубларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.

- Устозим Ҳусан ака доим бир нарсани кўп такрорларди. "Нақш китобда кўрсатилмайди — унинг фақатгина элементлари берилади, композицияни ўзингиз яратасиз. Яъни уста албатта ижод қилиши керак" дердилар. Баъзан ҳафталаб нақш ярата олмаслигингиз мумкин. Чизасиз кимгадир ёқади, лекин ўзингизга ёқмайди, баъзи пайтлар чой ичиб ўтирсангиз ҳам илҳом келиб қолади, дарров қалам билан қоғозга туширсангиз чиройли чиқади.

Бугунги кунда асосан ислимий, гирих ва паргорий нақшида ишлаяпмиз. Ҳар бир вилоятнинг ўз услуби бор. Тошкент мактаби асосан ислимийдан фойдаланади, бу услубни бошқа вилоятларда ҳам қўллашади лекин уларнинг гули йириклиги билан фарқ қилади. Ҳозир фақат ёғочни ўйиб эмас, наққошлар билан келишиб гулларни ичига ҳар хил ранглар бериб ишлаяпмиз, бу эса ясаган маҳсулотимизнинг ўзига яраша чирой ва замонавийлик касб этишига хизмат қилмоқда.

Донишмандлар беҳунар кишини қанотсиз қушга ўхшатишган. Қушга қанот қанчалик керак бўлса, ҳунар ҳам инсонга шунчалик зарур.

Истиқлол шарофати билан халқ ҳунармандчилиги соҳасида ҳам кенг имкониятлар яратилди. Республика «Ҳунарманд» уюшмаси ташкил этилиши айни муддао бўлди. Уста ва ҳунармандларга ҳар томонлама шароит ва имкониятлар бераётган уюшма, улар маҳсулотларини чет элларда намойиш қилишига ҳам яқиндан ёрдам бермоқда. Илҳом ака 1995 йилдан бери Тошкент шаҳар "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоси. Ўтган йиллар мобайнида бир қатор кўргазма ва кўрик-танловларда иштирок этиб келмоқда.

Халқимиз тарихи, маънавий мероси ва аждодларимиз турмушида муҳим ўрин тутган халқ ҳунармандчилиги бугун ҳам ишончли қўлларда. Зеро бу соҳа ўз анъаналари, авлоддан-авлодга ўтиши билан тирик.

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ

Нарпай тумани Халқ таълими бўлимига қарашли "Ёш саёҳатчилар, ўлкашунослик ва БИОЭКОСАН маркази" педагог-ходимлари 2008-2009 ўқув йили "Таълим муассасаларида ижодий муҳитни шакллантириш" ҳамда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" муносабати билан ўсиб келаётган ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, сайёҳлик, ўлкашунослик ва экологик ишларни жонлантириш, мустақил ватанимиз тарихи, маданияти, адабиёти, урф-одатларини ҳар томонлама ўргатиш, табиат ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш марказ ходимларининг асосий вазифаси бўлиб келмоқда.

Келажагимиз ворислари

О.ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

- Марказимизга тумандаги 20 дан ошиқ умумтаълим мактабларидан 1420 нафар ўқувчи тўгаракларга жалб қилинган,- дейди марказ раҳбари Жўрақул Холиқов. - Уларга 27 нафар тўгарак раҳбари сабоқ бериб келмоқда. Яқинда мустақил республикамиз Қуролли Кучлари ташкил топган кунга бағишлаб "Мардлар қўриқлайди Ватанни" мавзуида тадбир ўтказилди. Ушбу тадбирда марказнинг барча тўгарак раҳбарлари ўз ўқувчилари билан фаол иштирок этишди. "Навоийхонлик", "Бобур сиймоси"га бағишлаб ўтказилган тадбирларда ота-оналар, туман халқ таълими бўлими ходимлари иштирокида қизиқарли савол - жавоб, мушоира кечалари ташкил этилди. "Одам савдосига қарши кураш" мавзуида ўтказилган семинар эса янада қизиқарли бўлди. Семинарда туман ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, туман халқ таълими бўлимининг етакчи мутахассислари, умумтаълим мактабларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок этишди. "Одам савдосига қарши кураш" мавзусига бағишланган саҳна кўринишлари намойиш этилди. Тадбирда одам савдосига қарши курашиш нафақат ёшларнинг, ота-оналарнинг ҳам вазифаси экани алоҳида уқтирилди. Айни пайтда "Пиёда сайёҳлик", "Табиат: кеча, бугун, эртага", "Ёш экологик китобсеварлар", "Гуллар ва қушлар байрами", "Болалар ва сув" сингари кўрик-танловлар қизғин давом этмоқда. Марказ педагогик жамоаси ўқувчи-ёшларни ҳамиша соғлом, жисмонан бақувват, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашни асосий вазифалари деб билади.

ЖАРАЁН

ТЎҒРИ СЎЗ

Саксовулсиз қолган – Каттақум

Марҳамат МАТВАФАЕВА,
биология фанлари номзоди

Маълумки, жонажон юртимиз Ўзбекистоннинг жуда катта майдонларини яъни 70 фоизини чўллар ташкил этади. Чўл деганимизда авваламбор сувсиз саҳролар, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган беёён қумли саҳролар, қум тепалари кўз ўнгимиздан ўтади. Аслида эса чўлу саҳролар ҳам жонли табиатнинг ажралмас қисми ва бу ерда ҳам ўсимликлару ҳайвонот оламининг ҳаёти қайнайди.



Дарҳақиқат, қумли чўллар ҳам ўзининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ранг-баранг турфа турлари, сир-синоатлари билан ҳам инсониятни қадим ўтмишдан қизиқтириб келган. Айниқса, чўллар қоракўл қўйлари, туялар ва бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонлари учун муҳим озуқа базаси ҳамдир.

Маълумотларга кўра қумли чўллар республикамизда 11 млн. гектар ёки 26 фоиз умумий ер майдонини ташкил этар экан. Қумли чўлларнинг катта қисми асосан - Устюрт, Қизилқумнинг шимолий-ғарбий ва жанубий-ғарбий қисми, Хоразм вилояти ички қумлари, қисман Сурхондарёдаги — Каттақум, Қашқадарёдаги — Сандуқли, Фарғонадаги — Ёзявонни ташкил этади.

Ана шу қумли чўллардан бири Каттақумдир. Бу республикамизнинг жанубий вилояти Сурхондарё маркази Термиз атрофларига яқин жойлашган ўзига хос қумли чўлдир. Маълумотларга кўра Каттақумнинг умумий майдони 14790 га. Шу йил апрель ойининг охирларида Каттақумда илмий сафарда бўлдик. Бизга ҳамроҳ бўлган Эшбўри ака Каттақумнинг аввал ўтмишдаги, бу кунги аҳволи тўғрисида ҳаяжон билан гапира кетдилар.

- Нимадан бошласам экан, ҳамон ёдимдан чиқмайди, болалик чоғларимизда бу қумларга келишга ҳайиқардик, ҳаттоки катталарнинг юраги ҳам ҳапқирарди. Бир куни тушдан кейин қўйларни ўтлатиб юриб қум ичкарисига анча-мунча кириб қолибман, хаёл билан бўлиб қаршимда турган баҳайбат катта кобра (кўзойнакли) илонни менга қараб турганини сезмай қолибман. Узунлиги 2,5-3 метр эди. Бу қумда кобра илондан ташқари бошқа заҳарли илон турлари, чиябўри, қўшоёқ, тошбақалар, типратикан, эчкиэмар каби ҳайвонлар кўп эди. Улар ҳозирги кунда анча камайиб кетган. Саксовулларни айтмайсизми, қум ўрмонларини ҳосил этганди. Ҳозир Каттақум саксовулларсиз ҳувиллаб қолди.

Саксовул паст (5 метргача) бўйли, пояси қиғир қийшиқ, сершох бута ёки дарахт. Асосан қум тепаликларида, ярим кўчма қумларда ўсади. Саксовуллар бошқа қум ўсимликлари билан ҳар хил жамоалар ҳосил қилади. Саксовул қумларни шамол учиришдан ҳимоялайди, қум кўчишларига йўл қўймайди, қумларни мустаҳкамлайди.

Саксовулларни аҳоли томонидан талон-тарож қилинаётганлиги, уни оммавий равишда кесиб олиб кетилаётганлиги ниҳоятда ачинарли ҳол.

Ўтган асрнинг 70-80 йилларида "Чўлларга ҳужум" оқибатида Каттақум ўзининг табиий мувозанатини бутқул йўқотган. Эни 5-6 метр, узунлиги юзлаб км.га чўзилган бетон ариқлар (латоклар)ни бархан, кўчма қумлар кучли шамол таъсирида кўмиб ташлаган, сахронинг қоқ марказига пишган ғиштдан қурилган салобатли иморатлар қулаб, ташландиқ ҳаробага айланган, ўтмишдаги "Қизил империя" ёдгорликларини (яъни ҳаробаларини) атрофларидан ҳатто қушлар ҳам учиб ўтмайди. Ундан сал нарироққа юрсангиз шу атрофдаги қишлоқ, шаҳарлардан олиб келинган чиқиндиларнинг бадбўй ҳидидан нафас олиб бўлмайди. Ахир табиатга бундай зарар келтираётганларнинг жиловини тортиб қўйиш биринчи навбатда шу ерда яшаётган одамларнинг вазифаси эмасми?

Она табиатимизнинг ранг-баранглиги ҳисобланган қумлар, сахролар, юксак тоғлар, адирлари кеча, бугун пайдо бўлган эмас. Табиат яратган неъматларга қирон келтираётган ҳам инсон. Аксинча уларни асраб-авайлаб, келажак авлодларга қолдириш бизнинг муқаддас бурчимиз бўлиши керак. Табиатни ҳимоя қилиш бу фақат давлат ташкилотларининг эмас, балки умуммиллий вазифадир. Бу ишга биринчи навбатда аҳоли, жамоат ташкилотлари бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишлари лозим.

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Қарз шартномаси тартиби

унга амал қилмаганлар орасида турли низолар келиб чиқмоқда

Тоҳира МУЙДИНОВА,
Косонсой туман давлат нотариал идораси катта нотариуси

Фуқаролар ўртасида пул ёки бошқа қимматбаҳо буюм ва мол-мулкни қонуний расмийлаштирмасдан қарзга бериш оқибатида низолар келиб чиқиш ҳолатлари тез-тез учрамоқда. Ҳатто бундай ишлар жиддий тус олиб, жиноий, маъмурий жавобгарликка тортиш тартибида судда кўриш даражасига ҳам бориб етаяпти. Кўпчилик фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларининг қонуний ваколатларини яхши тушуниб етмаётганлиги бу борада тарғибот ва тушунтириш ишларини кучайтиришни, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада оширишни талаб этади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 732- ва 743-моддаларида қарз шартномасининг қандай тузилиши ҳақида батафсил маълумот берилган. Унга кўра бир тараф қарз берувчи, иккинчи тараф қарз олувчи пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради. Қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, шунча миқдордаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва қиймати баравар ашёларни қайтариб бериш мажбуриятини олади. Қарз шартномаси пул ёки ашёлар топширилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Агар қарз олувчи тилхати ёки унга қарз берувчи томонидан пул ёки шу миқдордаги ашёлар топширилганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

Бундан ташқари, қарз берувчи олувчидан шартномада белгиланган миқдорда фоизлар олиш ҳуқуқига эга. Фоизлар тўлаш тартиби ва муддатли шартнома билан белгиланади. Қарз олувчи олинган қарз суммасини шартномада кўрсатилган вақтда қайтариши шарт.

Агар қарз суммасини қайтариш муддати шартномада белгиланган бўлмаса, қарз олувчи қарзни қайтариш ҳақида талаб қўйган кундан бошлаб қарз берувчи уни ўттиз кун мобайнида қайтариши керак бўлади. Шунингдек, қарз олувчи пул ёки бошқа ашёларни қарз берувчидан амалда олмаганлигини ёки шартномада кўрсатилганидек кам миқдорда олганлигини исбот қилиб, қарз шартномаси юзасидан даъволашишга ҳақли ҳисобланади. Амалдаги фуқаролик қонунчилигига кўра битимлар оғзаки ва ёзма шаклда тузилиши мумкин. Ёзма битимлар ўз навбатида оддий ёзма шакл ва нотариал тасдиқланиши шарт бўлган битимларга бўлинади. Томонлардан бирининг талабига кўра, битимлар нотариал тасдиқланиши мумкин. Қарз шартномасини нотариал тасдиқлаш қарзни қайтариш кафолатини бермайди, балки икки шахс ўртасида ўзаро ихтиёрий равишда қарз муносабати факти бўлганини тасдиқлайди. Қарзни қайтариш муддати ўтган тақдирда қарз берувчи ариза билан нотариал идорага мурожаат этади. Нотариал идора томонидан қарз олувчи ёзма равишда қарзни қайтариш тўғрисида огоҳлантирилади. Қарз олувчи белгиланган муддатда қарзни қайтармаса тегишли тартибда ёзма равишда ижро ёзилади.

Мазкур қонун ҳужжатларига тўла-тўкис амал қилиниши, қариндошлар, оға-инилар, опа-сингиллар ва бошқа яқин кишиларнинг муносабатлари бузилишининг олдини олишга хизмат қилади.

БУНЁДКОРЛИК

Юрт ободлиги

Шерзод ҚУРБОНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Кейинги йилларда мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқлари таниб бўлмас даражада кўркам қиёфа касб этмоқда. Шарқ ва Ғарб меъморчилигининг илғор анъаналарини ўзида мужассам этган иншоотлар, маданий-маиший бинолар, таълим масканлари, мустаҳкам кўприклар, кўп минг километрлик темир йўллар юртдошларимиз қалбида ғурур ва ифтихор туйғусини уйғотиб келмоқда. Айниқса қишлоқларда барпо этилаётган умумтаълим мактаблари ҳамда касб-ҳунар коллежлари қишлоқ кўркига кўрк қўшибгина қолмай, ўсиб келаётган ёш авлодга таълим ва касб сирларини ўргатишда беминнат хизмат қилмоқда. Уларни бунёд этиб, фойдаланишга топширишда қурилиш корхоналари ва фирмаларнинг қўшаётган ҳиссалари беқиёсдир.

Қашқадарё вилоятидаги Қамаши 11- қурилиш корхонаси ҳам кўплаб маданий-маиший ва таълим масканларини қуриб фойдаланишга топширди.

— Корхонамиз 2004 йилдан ўтган 2008 йилгача тумандаги 360 ўринли 34-сонли, Чангак қишлоғидаги 270 ўринли 70-сонли, Учтепа қишлоғидаги 400 ўринли тендер баҳоси 328 миллион 600 минг сўмга тенг бўлган 51-сонли, шу билан бирга Совгон қишлоғидаги 200 ўринли, қурилиш баҳоси 217 миллион 588 минг сўмни ташкил этадиган 49-сонли умумтаълим мактабларини янгидан қуриб, таъмирлаб, капитал реконструкция қилди,- дейди корхона раҳбари Акрам Бухоров. - Жорий йилда тумандаги меҳрибонлик уйи ва Қоратепа қишлоғидаги 74-умумтаълим мактабида капитал реконструкция ҳамда ушбу мактаб спорт залининг қурилиш-монтаж ишларини олиб бормоқда.

Корхона қатор йиллар мобайнида бу каби бунёдкорлик ишларини бажариб келиш билан бир қаторда вилоятнинг кўпгина ҳудудларида қад ростлаган иншоотларда ёрдамчи пудратчи бўлиб фаолият олиб бормоқда. Ўтган 2007-2008 йилларда Шўртангазкимё мажмуасига қарашли Қарши шаҳридаги Термопласт заводи, соғломлаштириш маркази ва «Дельфин» сузиш мажмуасида 1 млрд. 100 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишларини бажарди.

Корхонамиз қошида ишлаб чиқариш базаси ва зарур техникалар мавжудлиги бундай улкан қурилиш бунёдкорлик ишларини ўз вақтида қийинчиликларсиз топширишимизда қўл келмоқда,- дейди корхона бош муҳандиси Хўжаёр Жонқувватов. - Бундан ташқари суткасига 480 тонна асфальт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган цех ишлаб турибди. 133 нафар қурувчи-усталар ва техник ходимларимиз учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Уларга уч маҳал иссиқ овқат, махсус кийим-бош ва кўчма уйлар муҳайё этилган бўлиб, 350-400 минг сўмдан маош белгиланган. Қурилиш-монтаж ишларини тез ва сифатли бажаришда пайвандчи Ғулом Қобилов, пардозлаш бригадаси бошлиғи Нуриддин Муродалиев, ғишт терувчилар бригадаси бошлиғи Орол Холмирзаевларнинг қўшаётган ҳиссалари беқиёс.

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Бугун мамлакатимизда тадбиркорлик ва тадбиркорлар учун барча зарур имкониятлар яратилган. Лекин, мўмай даромад кетидан қувиб, солиқдан қочиш ёки электр энергияси ҳақини тўламаслик ҳоллари ҳам учраб турибди.

Иситмаси ошкор қилди...

"VANK" масъулияти чекланган жамияти қурилиш-монтаж ишларини бажарувчи ташкилот ҳисобланиб, 2008 йилнинг 1 январидан ягона солиқ тўловчи ҳисобланади. Шу муддат ичида ушбу корхона "Умумқурилиш сервис", "Қурилиш кафолат", "СМНУ", "Улкан қурилиш сервис" каби яна кўплаб корхоналарга хизмат кўрсатган. Бир қарашда кундан-кунга гуллаб яшнаётган корхонанинг асл "юзи" текширув натижасида аён бўлди.

"Касалини яширсанг, иситмаси ошкор қилади", деб шуни айтсалар керак. Жамият мансабдор шахсларининг Давлат Солиқ инспекциясига топширган ҳужжатлари ўрганилганда ҳамда қарама-қарши ўтказилган текширув натижасида корхона томонидан 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб, жами 103.484.600 минг сўм қўшилган қиймат солиғи ҳисобланмаган ва шунча миқдорда Давлат бюджетига зарар келтирилгани аниқланган.

Бу ҳам етмагандек, кўрсатилган хизматлар учун келиб тушган маблағларга қурилиш материаллари ўрнига, анча харидоргир ҳисобланган косметик воситалар ва химикатлар сотиб олинган. Бу маҳсулотлар эса бозорда нақд пулга сотилиб, тушган маблағлар тегишли тартибда банк муассасаларида инкассация қилинмаган ҳамда даромад яширилган.

Департамент ходимларининг саъй-ҳаракатлари эвазига жамиятнинг ноқонуний ҳаракатлари узоққа чўзилмади. Қилмиш-қидирмиш, деб шуни айтсалар керак-да...

Давлат мулкидан ўз манфаати йўлида фойдаланиб келаётган сохта тадбиркорлар орамизда учраб туради. Электр энергияси халқимиз, давлатимиз бойлиги экани, ундан фойдаланган ҳар бир фуқаро тегишли тартибда ҳақ тўлаши лозимлиги барчага бирдек аён.

Афсуски, ушбу оддий ҳаракатдан бехабар инсонлар ҳам бор экан, орамизда. Юнусободлик хусусий тадбиркор Рустам Алакбаров ана шундай инсонлардан бири. У Тошкент радиотехника касб-ҳунар коллежи ҳудудида жойлашган чарм маҳсулотларини қайта ишлаш цехини очганига ҳам қарийб 3 йил вақт бўлди. Шу вақт оралиғида у электр тармоғига ноқонуний уланиб, оз эмас, кўп эмас, нақ 372.096 кВт. электр энергиясини ишлатиб, давлатга жами 22. 474. 598 сўмдан зиёд зарар етказган.

"Кўр кўрни қоронғуда топади", деб бекорга айтишмайди. Коллеж раҳбарияти ва туман электр тармоқлари идораси ходимлари ҳам ўз вазифаларига совуққонлик билан қарашгани туфайли, ушбу қонун бузилиши узоқ давом этган.

Устига устак Алакбаровнинг цехидаги ускуналар қўлбола усулда тайёрланган бўлиб, бирор бир ҳужжати бўлмаган. Ишлаб чиқаришга керакли маҳсулотларни Тошкент шаҳри бозорларидан ҳеч қандай ҳужжатсиз сотиб олган. Хусусий тадбиркор Алакбаров ўз фаолияти давомида 4 млн. сўмлик тайёр маҳсулотни сотиб, пул маблағларини банкка топширмасдан узоқ вақт давомида савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузган.

Қонунбузарлик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Ноқонуний қилмишлари учун хусусий тадбиркор Рустам Алакбаров ҳам одил суд томонидан тегишли жазо олди. У жиноят кодексининг тегишли моддаларига биноан айбдор деб топилиб, катта миқдордаги жарима билан жазоланди.

Б.ҲАИТОВ,
Бош Прокуратура ҳузуридаги СВОЖ ва ЖДЛҚК Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳужжатли текширишлар бўлими тафтишчиси,
Б.МАМАТОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар Бошқармаси ВОЖАБЭОО бўлими катта инспектори

АНЖУМАН

Ватан ягона

Илья Дильманов,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ажиниёз номидаги Нукус Давлат педагогика институтида "Мақсад бир, ғоя бир, Ватан ягона!" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси байналмилал маданият маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва "Камолот" ЁИҲ Республика кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбирни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари Караматдин Абдижалиев олиб борди. Республика байналмилал маркази директори Насриддин Муҳаммадиев ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши вакили Улуғбек Асановлар тадбирнинг мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича тўхталдилар. Жумладан, нотиқлар мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари Конституция ва мустақил Ўзбекистон қонунларида белгилаб қўйилган тенг ҳуқуқлилик ва кенг имкониятлардан фойдаланиб, тотув ва ҳамжиҳатликда Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига ўзларининг муносиб улушларини қўшаётганларини таъкидладилар.

Сўнг, конференцияда Ажиниёз номидаги Нукус Давлат педагогика институти доценти Сапардурди Абаевнинг "Ўзбекистон — умумий уйимиз", Қорақалпоғистон Республикаси ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Ўразбой Абдураҳмоновнинг "Миллий маданият ва ўртоқ мерос", Рус миллий маданий маркази раҳбари Г.Зоркинанинг "Миллий ғоя-бизнинг ғоя", Ажиниёз номидаги Нукус Давлат педагогика институти 2-курс талабаси Жадра Сарсенованинг "Миллатлараро тотувлик барқарорлик омили" мавзуидаги маърузалари ҳам Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча халқлар ўртасидаги дўстликни, миллатлараро муносабатларни янада мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан ажралиб турди. Тадбир сўнггида Қорақалпоғистон Республикаси Миллий маданий марказларининг бадиий жамоалари, санъат усталари томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

МАЪРИФАТ МАСКАНИ

Орзулар ушаладиган даргоҳ

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Пахтачи педагогика коллежида "Бошланғич таълим", "Жисмоний тарбия ва болалар спорти", "Мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар", "Ахборот-кутубхона тизими", "Спорт" йўналишларида 938 нафар бўлажак ўқувчиларга В.Мардонов, С.Нортожиева, Ш.Юсупова, Г.Ҳайдарова, С.Ҳидоятова сингари 65 нафар жонкуяр мураббийлар таълим беришаяпти. Коллеж ўқувчиларининг билим олишлари, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун етарли шароитлар яратилган. Тикувчилик хонаси, "Орша" тикув машиналари билан жиҳозланган, инглиз тили, лингофон, информатика хоналарида сўнгги авлод компьютерлари ишлаб турибди. Коллежда адабий ва бадиий тадбирлар, давра суҳбатлари, турли учрашувлар ўтказилади. Яқинда ўтказилган "Энг иқтидорли мутахассис" кўрик-танловининг вилоят босқичида 304-гуруҳ ўқувчиси Динара Рустамова 2-ўринни, 103-гуруҳ ўқувчиси Зулайҳо Шайматова 3-ўринни эгаллади. Колежда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси ибратли тадбирларни амалга оширмоқда. Комиссия томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий-маънавий қадриятларимизни улуғлаш, миллий истиқлол ғоясига садоқат, миллатлараро дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар уюштирилмоқда. Туман ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда "ОИТСсиз келажак сари", "Ўз жонига қасд қилмаслик", Самарқанд вилоят ИИБ, ЖҚБ ва ТККБ вакиллари томонидан терроризм ва экстремизмга қарши курашиш туман ИИБ бошлиғи ўринбосари майор Н.Наврўзов, тергов гуруҳи катта терговчиси Р.Мамедовлар иштирокида ўқувчилар билан жонли суҳбат, мунозаралар ташкил этилди. Коллеж ўқувчилари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва уларнинг жисмоний тарбия бўйича тайёргарлигини ошириш мақсадида мунтазам равишда тест синовлари ўтказилади. "Баркамол авлод — 2008" спорт мусобақаларида қўл тўпи бўйича қизлар жамоаси 1-ўринни эгаллаб, республика босқичида иштирок этишди. 110-гуруҳ ўқувчиси Мафтуна Арзиқулова шахмат бўйича республика миқёсида фахрли ўринни эгаллади.

— Миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини ёшлар онгига сингдириш энг улуғвор вазифа дейди,- коллеж директори, биология фанлари номзоди Мансур Юлдошев. — Коллежда ўтказилган "Барҳаёт анъаналар" республика фольклор фестивалининг ҳудудий босқичида коллежнинг "Лолача" фольклор дастаси фахрли 2-ўринни эгаллади. Бунда ўқувчилар ҳудудга хос урф-одатлар, маросимлар, йўқолиб бораётган маиший хизмат буюмларини намойиш этишди. "Балли қизлар" кўрик-танловида қизларимиз пазандаликни 5 та шарти бўйича беллашишди. Танловда Азиза Хусанова ғолибликни қўлга киритди. Коллежда бу каби қизиқарли тадбирларнинг ўтказилиши ўқувчиларнинг келажакда муносиб касб эгалари бўлишларига, орзулари қанот ёзишига замин ҳозирлайди.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРҲ

Беҳзод ИСКАНДАР

Наркотраффик

халқаро барқарорлик ва инсон саломатлигига таҳдид солмоқда

Қуролланиш пойгасининг авж олиши ва табиий ресурсларнинг шафқатсизларча экспулатация қилиниши XX асрнинг энг катта муаммосига айланган бўлса, XXI асрда халқаро наркобизнес ва терроризм бутун инсониятни ташвишга солмоқда. Уларнинг ҳар иккиси ҳам дунё давлатларига у ёки бу даражада хавф солаётган бир пайтда мутахассислар муаммони ҳал этишнинг ягона йўли мамлакатлар ҳамкорликда фаолият олиб боришлари лозимлигини таъкидлашмоқда.

Айрим маълумотларга кўра, бугунги кунда сайёрамизнинг 200 миллиондан зиёд аҳолиси гиёҳвандлик моддалари истеъмол қилишади. Хусусан, 140 миллион одам марихуана – заҳарли оғунинг энг оммалашган турини чекади, кокоинни 13 миллион киши истеъмол қилса, 8 миллион киши героин, 30 миллион одам эса турли дорилар аралашмасидан ҳосил қилинадиган мияга таъсир этувчи дори истеъмол қилади. Гиёҳванд моддалар истеъмол қилувчилар йилдан-йилга кўпайиб бораётгани, айниқса, улар орасида ёшлар кўпчиликни ташкил этаётгани ачинарли ҳол. Баъзи давлатларда мактаб ўқувчилари ва балоғат ёшига етганларнинг 34 фоизи ўз хоҳиши билан марихуана чекаётгани аниқланган.

Асримизнинг энг долзарб муаммоларидан бири – гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси ва гиёҳвандлик бугунги кунда нафақат муайян мамлакат ёхуд минтақа, балки халқаро миқёсда барқарорликка таҳдид солмоқда. Шунинг учун бу иллатга қарши кескин курашиш тобора жиддий масалага айланиб бораётир. Наркомафия улкан иқтисодий кучга эга бўлган глобал даражадаги хавфга айланиб улгурган. Наркобизнес ўзининг ишлаб чиқариш, етиштириш, тарқатиш каби йўналишларга бўлинган. Трансмиллий жиноий гуруҳларнинг вужудга келиш сабабларидан бири ҳам айнан гиёҳванд моддалар савдоси билан боғлиқ.

Гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний оқими Марказий Осиё мамлакатлари учун ҳам катта муаммо туғдирмоқда. Минтақадаги бир неча мамлакатнинг Афғонистон билан чегарадошлигини ҳисобга олсак, улар мазкур таҳдидга қарши курашнинг олдинги сафида турибди, дейиш мумкин. Фуқаролар урушига нисбатан барҳам берилгани ва ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани тиклаш бўйича талай ишлар амалга оширилаётганига қарамай, Афғонистон ҳамон гиёҳванд моддаларни етиштирувчи йирик марказ ва наркотаҳдиднинг асосий таянч нуқтаси бўлиб қолаётир. 2001 йилда Афғонистонда бошланган халқаро тинчликпарвар кучлар ёрдамидаги ҳарбий операциялардан 7 йил ўтиб, ўзаро зиддиятлар, террорчилар фаолияти бироз барҳам топган бўлса-да, кўкнори етиштириш оз эмас, кўп эмас 44 баробарга кўпайган!

Буюк Британиянинг расмий манбаларига кўра, Афғонистоннинг Гилманд вилоятидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлар – полициячиларнинг қарийб 60 фоизи наркоман эканликлари аниқланган. Мутахассисларнинг фикрича, бу каби ҳолатлар халқаро тинчликпарвар кучлар мамлакатдаги вазиятни яхшилашга етарлича эътибор қаратмагани ёки кучлари етмаётганлигини англатади. БМТнинг наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси экспертлари маълумотларига кўра, 2005 йили Афғонистонда 4100 тонна қорадори йиғиштириб олинган. Бу тахминан 500 тонна героин ишлаб чиқаришга етадиган хомашёдир. 2007 йилда кўкнори майдонлари 2002 йилга нисбатан 2,5 баробарга ошиб, 193 минг гектарни ташкил этган. Ўтган йили Афғонистонда 8200 тонна афюн етиштирилган бўлиб, бу 2006 йилга нисбатан 34 фоиз кўп демакдир.

Бугун дунёда етиштирилаётган «қора дори»нинг қарийб 87 фоизи Афғонистон ҳиссасига тўғри келаётир. Оғуфурушлар Покистон, Эрон ва Марказий Осиё давлатларидан гиёҳванд моддаларни бошқа мамлакатларга етказиш ва бутун дунё бўйлаб тарқатиш учун транзит сифатида фойдаланмоқда. Масалан, Афғонистонда етиштирилган гиёҳванд моддаларнинг муайян қисми «шимолий йўналиш» бўйича, яъни Марказий Осиё ва Россия орқали Европага чиқмоқда. Маълумотларга кўра, 2005 йилда Афғонистондан 420 тонна героин ва морфин экспорт қилинган бўлиб, унинг 100 тоннадан ортиғи Покистон, 200 тоннадан ортиғи Эрон ҳудуди орқали ўтган. Наркомафия халқаро терроризм ва экстремизм билан чамбарчас боғланиб кетган. Шу жиҳатдан террорчи гуруҳлар ўз мақсадларини амалга оширишга маблағ топиш учун гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланаётгани ҳақидаги фактлар ўз тасдиғини топган.

Мутахассисларнинг фикрича, наркотраффикка қарши кураш муаммосини ҳал этиш давлатлар миқёсидаги вазифадир. Бу борада Ўзбекистон 1995 йилдан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг наркотикларга қарши курашга тааллуқли конвенциялари ҳамда МДҲ ва қатор давлатлар билан ўзаро келишувларни имзолаган. Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримов жаҳон ҳамжамиятини Афғонистонда етиштирилаётган гиёҳванд моддалар нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунёга таҳдид солаётганидан кўп бор огоҳлантирганини таъкидлаш жоиз. Марказий Осиё давлатлари трансмиллий жиноий тузилмаларнинг нишонига айланган шароитда Ўзбекистон минтақа мамлакатлари ва халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини наркобизнесга қарши кураш йўлида бирлаштириш таклифини илгари сурди.

Президент Ислом Каримов 2002 йил октябрь ойида БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот-таҳлил марказини тузиш ташаббусини илгари сурган эди. Шундан сўнг 2006 йили Тошкентда «Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларни ноқонуний ишлаб чиқариш, айлантириш, истеъмол қилишни назорат этиш соҳасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум»га қўшилган давлатларнинг еттинчи учрашуви ўтказилиб, мазкур анжуманда наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш марказини тузиш тўғрисида битим имзоланди. Мамлакатимизда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича барча зарур инфратузилмалар яратилган. Президентимиз ташаббуси билан 1994 йил апрелда наркотикларни назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат комиссияси тузилди. Бу комиссиянинг ижроия органи сифатида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий маркази ташкил этилди. Ўзбекистон бу борада қўшни мамлакатлар, дунёнинг етакчи давлатлари, халқаро ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Гиёҳванд моддалар савдоси фақат Афғонистон билан боғлиқ эмас. Энг оғриқли нуқталар Лотин Америкаси давлатлари, Европа минтақаси, жанубий-шарқий Осиё мамлакатларида ҳам анча "ривожланмоқда". Наркомафия фаолияти одам савдоси, ноқонуний маблағлар ва қурол-яроғ контробандаси билан узвий боғлиқ бўлиб, бу ҳол нафақат давлатларнинг иқтисодий ва ижтимоий муаммоси, балки мамлакат хавфсизлиги учун ҳам хатар туғдиришини мутахассислар алоҳида таъкидлашади. Шу боис муаммонинг олдини олишда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, миллий ва минтақавий даражада ахборот алмашувини фаоллаштириш, хуллас, барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарур. Зеро, фаолият кўлами мисли кўрилмаган даражада кенгайиб бораётган, хавфсизлик ва барқарорликка жиддий таҳдид солаётган глобал муаммоларга қарши фақат биргаликда курашиш зарур.

Гиёҳвандлик (Наркомания) - (юнонча нарко - карахтлик ва мания - телбалик, жаҳл) наркотик ва наркотик таъсирга эга бўлган моддаларни истеъмол қилиш оқибатида келиб чиқадиган касаллик.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Европада йирик тадбир

Европарламентдаги кўпчилик ўринлар консерваторлар томонидан эгалланди.



«Evronews» телеканали хабарича, гарчи беш йил аввалгига нисбатан ёмонроқ натижа кўрсатаётган бўлса ҳам ўнг марказий партиялар Европарламетдаги назоратни ўз қўлида сақлаб қолишади. Европарламентга ўтказилган сайловларнинг дастлабки ҳисоб-китоблари шундан далолат бермоқда. Европалик сайловчилар 736 та мандат тақдирини ҳал этишди. Якшанба куни амалга оширилган сайловлар Европа Иттифоқининг 19 мамлакатида бўлиб ўтди. Бошқа саккиз давлат, жумладан Буюк Британияда мазкур сиёсий тадбир пайшанбадан шанбагача бўлган вақт мобайнида ташкил этилди. Дастлабки маълумотларга кўра, энг йирик Европа миллий сиёсий бирлашмаси — Европа халқ партияси Европарламетда асосий ўринни эгаллаши кутилмоқда. Улар 263 ўринга эга бўладилар. Иккинчи сиёсий куч эса социалистлардир — 163 та мандат. Европа либераллари ва демократлари альянси 82 та, «яшиллар» 52 та депутатлик ўрнига умид қилишлари мумкин.

Харажатлар ўсмоқда

Дунё мамлакатлари қурол-яроғ савдоси бўйича рекорд натижани қайд этишди.

Стокгольм халқаро институти маълумотларига қараганда, 2008 йилда умумий савдолар 1,454 триллион доллар ёки глобал ялпи ички маҳсулотининг 2,4 фоизини ташкил этган. Бу сайёрамиздаги ҳар бир фуқарога 217 доллардан тўғри келади. АҚШнинг Ироқ ва Афғонистонда олиб бораётган ҳарбий амалиётлари 903 миллиард долларга тушган. 1999 йил билан солиштирганда, мазкур мамлакатнинг ҳарбий харажатлари 67 фоизга ўсиб, 607 миллиард долларга кўпайган. Экспертларнинг фикрича, Хитой ҳам ўтган 10 йилда мудофаага ажратаётган сарф-харажатларини оширган. Стокгольм халқаро институти маълумотича, Пекин мазкур мақсадлар йўлида қарийб 84,9 миллиард доллар сарфлаган, бу глобал харажатларнинг 6 фоизини ташкил этади. Хитой кўрсаткич орқали 4,5 фоиз натижага эга бўлган Франция ва Буюк Британияни ортда қолдирган. Маърузада қайд этилишича, ўтган йили халқаро қурол-яроғ бозорида 15 та ривожланган давлатдан иккитаси мудофаадаги чиқимларни камайтирган. Булар Германия ва Япония бўлиб, харажатлар тегишлича 11 дан 1,7 фоизга қисқарган.

Ниҳоят, топилди

Ҳалокатга учраган «Air France» самолёти йўловчиларининг жасади топилмоқда.

Улар ҳозирча қарийб 24 нафар бўлиб, ҳалок бўлганларнинг шахси аниқланган. Бразилия президенти Луис Инасиу Лула да Силва бундан қарийб 10 кун олдин Анлантика океани устида ҳалокатга учраган «Air France» самолётини топиш учун барча имкониятларни ишга солинишини айтган. Шу йилнинг 1 июнь куни Бразилиянинг Рио-де-Жанейро халқаро аэропортидан Париж томон учган Аэробус А-330 компаниясига тегишли «Air France» самолёти орадан 4 соат ўтгач, алоқага чиқмаган, унинг бортида 228 нафар одам бўлган. Ҳалок бўлганларнинг жасадлари самолётнинг сўнгги маротаба Бразилиядан 900 километр узоқликдаги Фернанду-ди-Норонья архипелагидан сингал берган жойдан топилган. Мутахассислар фикрича, самолётдаги қора қутилар 1 ойгача сақланиши мумкин. Агар шу вақт давомида лайнер топилмаса, унинг қандай ва қаерда ҳалокатга учрагани номаълумлигича қолади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

РАНГИН ДУНЁ

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Табиат инжиқликлари

инсоният олдига янги муаммолар қўймоқда

Сўнгги йилларда сайёрамизда кескин иқлимий ўзгаришлар кузатилмоқда. Бугун олимлар глобал исиш муаммолари, унинг оқибати ҳамда ечимлари тўғрисида қатор тадқиқотлар ўтказишмоқда. Глобал исиш оқибатида сувнинг кенгайиши ва музларнинг эриши дунё океанининг кўтарилишига сабаб бўлмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бу ўз навбатида денгиз ва океан қирғоқларида жойлашган давлатлар ва шаҳарларга жиддий хавф солмоқда.

Айни пайтда бу муаммони ҳал этиш бўйича олимлар бир қанча ғоя ва фикрларни илгари суришган. Мутахассислар музлар қаъридан қадимда сайёрамиз иқлими қандай бўлганлигини ҳамда келажакда бизни нималар кутаётганлигини ўрганишга киришганлар. Бир неча йилдан буён турли давлат олимларидан иборат гуруҳ табиат ўзгариши таъсирида келиб чиқиши мумкин бўлган муаммолар ҳақида қатор тадқиқотлар ўтказиб, ўз тахминларини илгари суришди.

"Forbes" журнали "XXI аср шаҳарлари" лойиҳасини яратиб, ҳозирги юз йилликнинг охирига бориб пайдо бўлиши ёки турли табиат ўзгаришлари сабабли ўз кўринишини ўзгартириши мумкин бўлган шаҳарлар рўйхатини тузиб чиқди. Дарҳақиқат, ҳозир ҳамма шаҳарлар қатъий жойида турибди, бироқ... Келинг яхшиси гапни Мохенжо-Даро шаҳридан бошлай қолайлик. Қадимда 900 йил давомида бу шаҳар Ҳинд дарёси водийсида ўша давр цивилизациясининг маркази сифатида гуркираб ривожланган. Аммо, тахминан эрамиздан аввалги 1700 йилда шаҳарни маҳаллий аҳоли тарк этади ҳамда қаровсиз қолган шаҳар табиат зарбалари остида кўздан ғойиб бўлади ва у фақат 1920 йилдагина археологлар томонидан топилади. Олимларнинг фикрича, Мохенжо-Даро табиат инжиқлиги сабабли иқтисодий инқирозга учраб, қаровсиз қолган.

Мутахассислар аввало ўз рўйхатларида эрамиздан аввалги 79 йилда рўй берган Везувий вулқони сабабли кули кўкка совурилган Помпейни мисол қилиб, ҳар 100 йилда яна вулқон отилишини инобатга олиш лозимлигини айтиб ўтишган. Охирги марта вулқон отилиши 1944 йилда рўй берган эди. Везувий Италиянинг жанубидаги Неаполь бўғозида жойлашган бўлиб вулқон отилиши эҳтимоли кутилган жой ва унинг атрофида салкам 4 миллион киши яшайди. Шундай экан бу ерда яшовчи одамлар келажакда эвакуация қилинишлари ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Қарангки, Мексиканинг Мехико шаҳри ер ости кўли устида жойлашган экан. Ушбу кўл шаҳар аҳолисини сув билан таъминлайди. 20 миллион аҳоли яшайдиган шаҳарда бир киши ичимлик сувидан фойдаланса ҳам аста-секин ернинг чўкиши рўй бераркан. Маълумотларга қараганда, сўнгги 100 йил ичида шаҳарнинг айрим ерлари 9 метрга чўккан. Тахминларга кўра, ер остидаги ичимлик сув заҳираси камайиб бормоқда. Мехикони пойдевори эса айнан ана шу сув заҳираси устида жойлашган. Мехико бугунги кунда ниҳоятда тез ривожланиб бораётганига қарамай, келажакда суви тобора камайиб бораётган ерости кўли шаҳарга қандай зарба бериши номаълум.

Мамлакатнинг йирик саноат корхоналари жойлашган, дунёнинг энг индустриал шаҳарларидан бири Детроит (АҚШ) шаҳри ҳавоси ифлосланиши оқибатида 1950 йилдан буён шаҳар аҳолиси тахминан 950 минг кишига қисқарган. Маълумотларга қараганда шаҳар аҳолиси аста-секин, лекин доимий равишда камайиб бормоқда. Саноат корхоналари атмосферага чиқараётган заҳарли газлар ва чиқиндилардан қочиб аҳоли шаҳар четига бориб ўрнашмоқда. Мутахассислар, мабодо шаҳарни аҳоли томонидан тарк этиш жараёни шундай давом этса, унда Детроит 2100 йилда таниб бўлмас ҳолда ўзгариб кетиши ҳам мумкин, дейишмоқда.



Малидаги Тимбукту шаҳри мутахассислар эътиборидан четда қолмади чоғи уни ҳам ушбу рўйхатга киритишган. Шамолнинг ҳосилдор ерларга қум олиб келиши ва чўлланишнинг кучайиши ушбу шаҳарга зиён-заҳмат етказмоқда. Сахрои Кабирнинг жанубидаги мамлакатларда, жумладан, 1000 ёшдаги Тимбукту шаҳри қум кўчишдан азият чекмоқда. Ҳолбуки, XV-XVI асрлардан буён мазкур шаҳар муҳим марказ ҳисобланиб келган. Ҳозирга келиб эса шаҳар чўлга айланаётгани олимларни ташвишга солмоқда. Малида шаҳарни кўкаламзорлаштириш борасида бир қанча лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шундай бўлсада, айни пайтда шаҳарнинг ярми чўлга айланиб улгурган.

Дунё бўйлаб глобал исиш давом этаётгани боис океан сатҳи кўтарилиши юз бераётгани ҳаммамизга маълум. Бу аҳвол давом этса ғарбий Африкадаги Гамбия давлати ўзининг пойтахти Банжулни бой бериб қўйиши ҳеч гап эмас. Маълумотларга қараганда, океан сатҳининг кўтарилиши ва ернинг эррозияси шаҳарга жиддий таҳдид солмоқда. Жаҳон банкининг 2002 йилдаги маърузасида дунё океанининг сатҳи ушбу юз йилликнинг охирида 10 сантиметрдан 90 сантиметргача кўтарилиши мумкин, дейилган. Агар бу ҳол юз берса, асримиз охирида Банжулдан ташқари Александрия, Жакарта, Банкок шаҳарлари ва Таиланднинг айрим ҳудудларини сув босиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Олимларнинг таъкидлашича, Венеция ҳам бундан мустасно эмас. У ҳам кейинги юз йил давомида 24 сантиметрга чўккан. Ҳукумат томонидан ушбу таҳдидни олдини олиш чоралари аллақачон бошлаб юборилган. Бироқ, жонли табиатга ким ҳам бас кела оларди, дейсиз.

НИГОҲ



ИЗҲОР

Инсоният ақл-заковати, моҳир қўллари, метин иродаси, толмас ғайрати, асрлар давомида тупроқни муҳташам архитектура ёдгорликларига, тошларни бебаҳо санъат асарига, қуруқ ёғочни мусиқа асбоби ва ўймакорлик нақшларига айлантирган. Гарчанд ҳаёт йўлида қанчадан-қанча табиий офатларни, вайронкор уруш-жанжалларни бошидан кечирмасин, инсоният яна ва яна яратувчанлик, бунёдкорлик ишлари билан шуғулланишда давом этган. Бир сўз билан айтганда, ўз замондошлари ва келажак авлодлар аҳлини лол қолдирувчи мўъжизалар яратган.

Саккизинчи мўъжиза — Ватан

Асрор МЎМИН

Милоддан аввалги иккинчи асрда яшаб ўтган грек архитектори Антипар Сидонский инсоният яратган мўъжизалардан ҳайратланиб қолмасдан, уларнинг энг сараларини кенг тарғиб этишни таклиф қилган ва ўзи биринчи бўлиб "Дунёнинг етти мўъжизаси" рўйхатини тузган. У таклиф этган етти мўъжиза айримларда эътироз уйғотса ҳам кўпчилик мутафаккирлар томонидан маъқулланган ва йиллар оша одамлар онгига сингиб кетган.

Дарҳақиқат, грек архитектори танлаган иншоотлар инсоният ақл-заковати ва азм-шижоатининг мўъжизаси бўлган. Бунинг учун бизгача етиб келган Миср эҳромларига бир назар ташлаш ёки улар ҳақидаги маълумотларни ўқиш кифоя. Асрлар силсиласида йўқолиб кетган, қолганлари тўғрисида ҳам уларнинг мўъжизавий иншоотлар бўлганликларини мавжуд тарихий маълумотларни ўқиб билиш мумкин.

Миср эҳромлари. Милоддан тахминан 2800 йил аввал қурилиш ишлари бошланган. Гизо шаҳрида бунёд этилган улкан эҳромнинг баландлиги 146,6 метр, узунлиги 233 метр. Шундай маҳобатли иншоот геометрик жиҳатдан жуда аниқ қурилган.

Семирамида осма боғлари. Милоддан тахминан 800 йил илгари Бобилда барпо қилинган бу афсонавий боғда дунёдаги барча ўсимлик хиллари бўлган, дейишади. Боғнинг сув таъминоти тизими ва қуёш нурларидан муҳофаза қавати ҳали-ҳануз кишиларни ҳайратлантириб келади. Ўзаро урушлар натижасида бу боғ милоддан 400 йил аввал инқирозга юз тутган.

Артемида ибодатхонаси. Ўрта денгиз шарқидаги Родос оролида милоддан тахминан 550 йил аввал қурилган. Милоддан аввал 356 йилда бўлган ёнғин ибодатхонага зарар етказган. Ўзаро урушлардан кейин милоддан аввал 263 йилда ибодатхона талон-тарож қилинган.

Зевс ҳайкали. Грециянинг қадимий Олимпия шаҳрида милоддан аввал 430 йилда қурилиши бошланган. Бу маҳобатли ҳайкалга фил суяги, олтин ва қимматбаҳо тошлар ишлатилган. Ўзаро урушлар даврида ҳайкалдаги олтин ва қимматбаҳо тошлар камайиб борган. 522 ва 551 йилларда бўлган кучли зилзилаларда қулаган ҳайкал бўлаклари тупроқ остида қолган.

Мавсол мақбараси. Қадимги Галикарнос (ҳозирги Туркиянинг Бодрум шаҳри)да милоддан аввал 353 йилда грек-рум архитектура анъаналари асосида қуришга киришилган. Милоддан аввал 334 йилда Александр Македонский шаҳарни эгаллаганда Мавсол мақбарасига талофат етган. Ўзаро урушлардан кейин ўн олтинчи асрга келиб мақбара таназзулга юз тутган.

Қуёш маъбуди (Гелиос) ҳайкали. Родос оролида маҳаллий аҳолининг ғалабаси шарафига милоддан аввал 292-280 йилларда мисдан бунёд этилган. Баландлиги 35 метр бўлган бу ҳайкал милоддан аввал 224 йилда рўй берган кучли зилзила пайтида қулаб тушган ва қайта тикланмаган. Тўғрироғи, сувга қулаб тушган улкан ва оғир ҳайкал бўлакларини қайта жойига қўйишнинг иложи йўқ эди.

Александрия (Искандар) маёғи. Нил дарёсининг ғарбий дельтасидаги Форос оролида милоддан аввал 280 йилда қурилиши бошланиб, ўн икки йилда битказилган. Баландлиги 120 метр бўлган бу маёқ, Ўрта денгизда 50 миль узоқликдан ҳам кўриниб турган. Маёқ 1326 йилда кучли зилзила пайтида денгизга қулаб тушган.

Грек мутафаккирлари дунёнинг етти мўъжизаси ҳақида кўп бора ёзишган, лекин саккизинчи мўъжизаси ҳақида фикр билдиришмаган. Чунки, улар дунёнинг энг азиз, энг улуғ саккизинчи мўъжизаси ҳар бир киши учун ўзи туғилган, улғайтирган Ватан бўлишини яхши билишган. Зеро, қадим замонларда ҳам дунёнинг етти мўъжизасини зиёрат қилган кишилар ўзи туғилиб ўсган Ватанига-саккизинчи мўъжизага соғинч билан қайтишган.

Мен чекка қишлоқда туғилдим. Ундаги лойсувоқ пастқам уйлар назаримда Миср эҳромларидан баландроқ эди. Томорқамизда ўсган мевали дарахтлар, сабзавот экинлари Семирамида боғларидаги ўсимликлардан кўркамроқ туюларди. Қишлоққа туташ тепаликдаги кампирни эслатувчи Кампиртош ҳали-ҳануз Зевс ва Гелмос ҳайкалларидан юксакроқ туюлади. Кейин Тошкентга келиб ўқидим. Ишладим, юрт кездим. Жонажон Ўзбекистонимизда Мавсол мақбарасидан азиз зиёратгоҳлар кўплигини англаб етдим.

Эндиликда озодлар ичида озод, тенглар ичида тенг, қудратлилар ичида қудратли давлатнинг фуқароси эканлигимдан фахрланаман, ич-ичимда ифтихор туйғусини туяман. Қўлимга қалам олиб дунёнинг етти мўъжизаси ҳақида ўйлаб, беихтиёр туғилган, мени улғайтирган Ўзбекистоним дунёнинг саккизинчи мўъжизаси эканлигига яна ва яна имон келтирдим.

Гўзал коинотнинг гултожи инсон,
Ер юзин безади кеча-ю кундуз.
Етти мўъжизаси тилларда достон,
Закий авлодларни лол этар ҳануз.

Миср эҳромларин ўйлаган чоғи,
Онгимда тикланар бехос, баногоҳ:
Оссурия осма ойнаванд боғи,
Сулув Артемида — азим саждагоҳ.

Қаршингда бўй чўзар Зевсга ҳайкал.
Қуёш маъбудаси ундан сарбаланд.
Мавсол мақбарасин эслаган маҳал.
Фарос маёғидан кўнгил фараҳманд.

Бироқ саккизинчи мўъжиза ҳам бор,
Ўша мўъжизага фидо жону-тан.
Ҳатто камалакдан рангдор, жилвадор,
Ўша саккизинчи мўъжиза — Ватан.

Етти мўъжизага ҳавас қилсам ҳам,
Саккизинчи учун бахшида жоним.
Бу дунёга келиб топган мўъжизам,
Омон бўл, обод бўл, Ўзбекистоним!

ҮГИТ

Илми ноқис улки, фарқни билмагай,
Чақнаса чақмоқ, қуёш деб ўйлагай.

* * *

Макру ёлғон дилга солмас иштиёқ,
Мойга сув қўшганда ёнгайму чироқ?

Жалолиддин РУМИЙ

БИЛАСИЗМИ?

Греция давлатининг мадҳияси 158 усулда янграши мумкин.

* * *

Гугурт дастлаб 1820 йилда Европада пайдо бўлган. Аммо у ўта хавфли бўлиб, арзимаган ишқаланиш оқибатида ҳам ёниб кетиши мумкин эди. Ҳозирги кўринишдаги, яъни хавфсиз гугурт доначалари эса илк маротаба 1855 йили Швейцияда ишлаб чиқарилган.

* * *

Индонезия таркибида 17 минг 508 та орол мавжуд.

* * *

Дунёдаги энг илиқ денгиз деб Қизил денгиз тан олинган.

ТУРФА ОЛАМ

Қадимги топилмалар

Халқаро археологлар гуруҳи Миснинг Фаюм ҳудудидан қадимги цивилизацияга тааллуқли бўлган қатор буюмларни топишди.

Шунингдек, олимлар яна у ердан 40 млн. йил аввал яшаган кит ҳамда бошқа денгиз ҳайвонларининг суяк қолдиқларини ҳам кавлаб олишди. Гарчи, ушбу маконда қазилма ишлари ўтган йилдан буён олиб борилган бўлса-да, ҳақиқий топилмалар 2009 йилнинг 10 мартидан буён аниқлана бошланган. Археологларга омад кулиб боқди чоғи, улар бирин-кетин ноёб топилмаларга дуч келишмоқда. Тадқиқотчилар бу манзилдан қадимги одамлар фойдаланган идиш-товоқ, танга ҳамда овчиларнинг қурол-аслаҳаларини ҳам топишган.

Тошқотган тухум

Хитойнинг Цзянси ҳудудида қурилиш ишлари чоғида ишчилар тасодифан ғаройиб тухумларга дуч келишган.

Мутахассислар, ушбу тухумларни текшириб, у диназаврнинг тошқотган тухуми эканлигини аниқлашди. Айтишларича, диназаврларни ўрганишда бу тухумлар ниҳоятда асқотиб, улар ҳақида янада кўпроқ маълумотлар олишга ёрдам беради. Ушбу 22 дона тошқотган тухумнинг диаметри 10-12 см. экан.

Хавфли трюк

Норвегиялик эквилибрист Эскил Ренингсбакен ўзининг ажойиб трюклари билан дунёни ҳайратга солиб келмоқда.



Бу сафар у 1 минг метр баландликдаги жарликдан арқон орқали велосипедда мувозанатни тута олган ҳолда ўта олишини намойиш қилди. — Мен 14 йилдан буён ғаройиб трюкларни бажариб келаман. 2007 йил май ойида 1 минг метр баландликдаги музликдан канат орқали велосипедда ўтганимда бу ҳаётимдаги энг муҳим дақиқа эканини ҳис қилгандим,- дейди журналистларга берган интервьюсида Эскил Ренингсбакен.

Гигант робот

Япониялик ихтирочи Такахаши-сан баҳайбат ўргимчак роботни яратди.

Айтишларича, Такахаши-сан 11 йил умрини ўргимчак шаклидаги робот ясашга бахшида этган. Ва ниҳоят яқинда у ихтиросини якунига етказиб, "Kabutiom MX-03" номли роботни оммага намойиш қилди. Муаллифнинг таъкидлашича, узунлиги 11 метр, оғирлиги 15 тонна бўлган ўргимчак робот махсус кабинадан ёки бўлмасам, пульт ёрдамида бошқарилади.

Наргиза ХУДАЙБЕРГАНОВА тайёрлади

"Кафолат" ДАСК (ОАЖ) Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги KF серияли № 0154551, 0154557, 0154560, 0154563, 0154568, 0187945, 0187947, 0192594, 0192595, 0192596, 0192597, 0192598, 0192599, 0192600, 0192788, 0192789, 0192828, 0192936, 0192837, 0192938, 0192939, 0193334, 0193335, 0187299 рақамли суғурта полислари бланкалари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНСИН.**

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Рақс танлови

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги 1998 йилдан буён ҳар йили анъанавий тарзда ўзбек миллий рақс санъатининг буюк намоёндаси Мукаррама Турғунбоева номидаги миллий рақс ижрочилари Республика кўрик-танловини ўтказиб келмоқда. Бу йилги танлов шартига кўра иштирокчилар Мукаррама Турғунбоева, Исаҳор Оқилов, Галия Измаилова, Қундуз Миркаримова, Розия Каримова, Юлдуз Исматова, Олим Комилов, Қодир Мўминов ва бошқа ўзбек мумтоз рақс санъати усталари саҳналаштирган ва ижро этган ҳамда ўзбек миллий рақс санъати анъаналари асосида тайёрланган дастурларини намойиш этдилар.

Нуфузли ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра Умида Ботирова ("Тошкент зеболари" рақс ансамбли) биринчи, Ҳилола Акбарова (миллий рақс ва хореография олий мактаби) ва Нодира Ўринова (Андижон вилояти академик халқ бадиий жамоаси) иккинчи, Гулшана Саттарова (Самарқанд вилояти "Сўғдиёна" рақс ансамбли), Одина Исақова ("Ўзбекистон" ашула ва рақс ансамбли), Ҳакима Авганова (Навоий вилояти "Марварид" рақс ансамбли) учинчи ўринларни қўлга киритдилар.

Танлов сўнггида ғолиблар ва санъат усталари иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Ҳусан БУРҲОНОВ

«Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси

2009 йил учун газеталар, журналлар ва китобларга обуна давом этаётганлигини маълум қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар ва юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Ватанимиз маънавий-маданий ҳаётидаги янгиланишлар ва воқеалар, хорижий мамлакатлар ҳаёти билан яқиндан ва мунтазам танишиб бораман десангиз вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг!

Обуна «Матбуот тарқатувчи» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг барча бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Маълумот учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкентда: 233-67-71, 233-67-98

Компания тизимидаги жамиятларнинг телефонлари:

ҚР Нукус (3612) 22-88-68
Андижон (3742) 22-29-89
Бухоро (3652) 25-47-49
Жиззах (3722) 22-40-01
Қашқадарё (3752) 25-40-27
Навоий (4362) 23-26-86
Наманган (3692) 26-29-80
Самарқанд (3662) 34-22-53
Сирдарё (3672) 25-47-70
Сурхондарё (3762) 27-49-03
Тошкент вил. (3712) 233-13-04
Фарғона (3732) 24-29-22
Хоразм (3622) 26-63-75
Компания бўлими 234-85-99

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Ғолиббшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г-523, Адади — 4196

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи: Дилноза ҲАЙИТОВА

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 19.00.

1 2 3 4 5 6 8 9